

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

27-сон
(1047)
2022 йил
июль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

238. «2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПФ–165-сон Фармони
239. «2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чоратадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПҚ–307-сон қарори

Учинчи бўлим

240. «Болалар масалалари бўйича миллий комиссия тўғрисидаги низомни ва Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари тўғрисида»

ги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 июлдаги 363-сон қарори

Бешинчи бўлим

241. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2022 йил 6 июндаги 175-сон «Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш харажатларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 4 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3034-1*)
242. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2022 йил 6 июндаги 176-сон «Илмий лабораторияларни яратиш ва қўшимча жихозлаш бўйича танловларни ўтказиш, шунингдек зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 4 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3035-1*)
243. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 17 июндаги 20-сон ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 14 июндаги 12-2022-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш дастурлари бўйича ўқитиш учун талабаларни саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2984-1*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

238 2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида*

2019 — 2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг амалга оширилиши натижа-сида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада, шу жумладан қишлоқ хўжалиги, энергетика, қурилиш, таълим, соғлиқни сақлашда инновацион ва технологик ривожланишни таъминлаш ва рағбатлантириш борасида катта ютуқларга эришилди. Хусусан:

республикамиз 81 та индикатор бўйича баҳоланадиган Глобал инно-вацион индекси рейтингда 2015 йилга нисбатан 36 та поғонага кўтарилди; инновация ва илм-фан соҳаларига Давлат бюджетидан ажратиладиган йиллик маблағлар ҳажми 2018 йилга нисбатан 3 бараварга оширилди ва 1,5 триллион сўмга етказилди;

ёш олимлар 2018 йилда 6,5 минг нафар бўлган бўлса, 2022 йилда улар-нинг сони 10,8 минг нафарни ташкил этди, яъни бир ярим бараварга ўсди; охириги 4 йилда инновацион фаолиятни молиялаштириш бўйича махсус институтлар (инновацион жамғармалар, венчур ташкилотлар ва бошқалар) сони 28 тага етказилди;

2018 йилдан бошлаб ҳар йили ўтказилаётган Халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги — «Innoweek.uz» хорижий инновацион ва илмий марказ-лар, инвестицион фондлар, технологик агентликлар, технопарклар ва биз-нес-инкубаторларни бир мақсад йўлида жамловчи инновацион технология-лар платформасига айланмоқда.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг реал секторида илмий ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш даражаси, илм-фан, таълим ва саноат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари нисбатан паст бўлиб қолмоқда.

Республикада инновацион ривожланишни жадаллаштириш, иқтисодиёт-нинг барча тармоқларида инновациялар ва технологияларни кенг татбиқ қилиш, инсон капиталини, илм-фан ва инновация соҳаларини ривожланти-риш мақсадида:

1. 2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага му-вофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 7 июлда эълон қилинган.

2. Стратегиянинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин: инновацион инфратузилма субъектлари (инновацион технологик парк, технологиялар трансфери маркази, инновацион кластер, венчур ташкилоти, инновация маркази, стартап акселератор, инкубатор) тармоғини шакллантириш орқали стартап ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳамда йирик ҳажмли ишлаб чиқаришни (капитал яратиш) ташкил этиш;

инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг институционал механизмларини такомиллаштириш орқали инновацион фаол ташкилотлар улушини ошириш;

кичик тадбиркорликнинг инновацион фаоллигини ошириш орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жадал ўсишини таъминлаш;

янги турдаги маҳсулотлар ва инновацион технологиялар яратишнинг ғоядан якуний истеъмолчигача бўлган комплекс тизимини таъминлаш орқали инновацияларга бўлган талабни рағбатлантириш;

яратилган капитални «тубдан янгиловчи» инновацияларга қайта йўналтириш тизимини шакллантириш;

таълимнинг барча босқичларида яратувчанлик, инновацион тадбиркорлик ва рационализаторлик кўникмаларини ривожлантириш орқали инновацион фаолият бошқарувида инсон капиталини янада ривожлантириш.

Белгилансинки, Стратегия эришилган натижалар ва мақсадли кўрсаткичлар бўйича тегишли асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, 2024 йилдан бошлаб алоҳида-алоҳида тасдиқланадиган «Йўл харитаси» асосида босқичма-босқич амалга оширилади.

3. Қуйидагилар:

2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари (кейинги ўринларда — Мақсадли кўрсаткичлар) 2-иловага* мувофиқ;

2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга оширишнинг ҳудудлар кесимидаги мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

а) Мақсадли кўрсаткичлар, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутати: инновацион фаолият субъектлари (саноат ишлаб чиқариш ташкилотлари) сонини 613 тадан 2 250 тагача етказиш;

инновацион инфратузилма субъектлари (технопарклар, технологиялар трансфери марказлари, инновацион кластерлар, венчур ташкилотлар, инновация марказлари, бизнес-инкубаторлар ва акселераторлар) сонини 3 бараварга ошириш;

инновацион тадбиркорлик натижасида яратиладиган янги иш ўринлари сонини 4 бараварга ошириш;

ички ва ташқи бозорларда тижоратлаштириш натижасида яратиладиган янги инновацион ишланмалар сонини 2 бараварга ошириш;

б) Стратегияни ҳудудлар кесимида амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутати:

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

худуддаги инновацион марказлар сонини 494 тагача етказиш:

технологик инновациялар билан шуғулланувчи маҳаллий саноат корхоналари сонини 600 тагача етказиш;

худудларда яратиладиган янги технологиялар сонини 384 тагача ошириш;

худудларда йиллик рўйхатга олинган патентлар сонини 184 тагача етказиш;

хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган илмий, инновацион ва технологик лойиҳалар сонини 183 тагача ошириш;

инновацион стартаплар сонини 1 437 тагача етказиш.

5. 2022 йил 1 августдан бошлаб инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишда «тармоқ-худуд-илмий/олий таълим ташкилот» занжирининг қуйидагиларга асосланган яхлит тизими жорий этилсин:

худудий тармоқ ташкилотлари инновацияларга бўлган эҳтиёж(лар) портфелини ишлаб чиқиб, Инновацион ривожланиш вазирлигининг худудий бошқармаларига тақдим этади;

Инновацион ривожланиш вазирлигининг худудий бошқармалари тармоқ муаммоларининг илмий ечимини таъминлаш бўйича ижрочи илмий/олий таълим ташкилотини (инновацион спин-офф компаниясини) танлов асосида аниқлайди;

танлов натижаларига кўра илмий/олий таълим ташкилоти (инновацион спин-офф компания) «1+1» принципи асосида тармоқ ташкилотлари билан бирга ишлаб чиқилган лойиҳаларни молиялаштиради;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан ишлаб чиқарилиши бозорда муваффақиятли ўзлаштирилган инновацион маҳсулотларни кенгайтириш ва келгусида сериялаб саноатда ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида инвестиция портфели ишлаб чиқилади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов) бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган «тармоқ-худуд-илмий/олий таълим ташкилот» занжирини амалиётга тўлиқ ва сифатли татбиқ қилиш бўйича тартибни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Белгилансинки:

а) 2022 йил 1 августдан «тубдан янгиловчи» инновациялар яратишни рағбатлантиришнинг қуйидаги тизими жорий этилади:

маҳаллий илмий ташкилотлар ва корхоналарга инновацион товарлар ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва техник қўллаб-қувватлаш бўйича давлат органлари ва йирик давлат ташкилотлари билан шартномаларни тўғридан-тўғри имзолаш ҳуқуқи берилиб, савдо харидлари Электрон кооперация портали орқали амалга оширилади;

устав фондида 50 ва ундан ортиқ фоиз давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларида фойда солиғини тўлагунга қадар фойданинг 10 фоизгача миқдоридagi ажратмалари ҳисобидан корхоналарнинг алоҳида ҳисоб рақамида шакллантириладиган Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғарма (кейинги ўринда — Жамғарма)лари ташкил этилади. Бунда:

Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари «тубдан янгиловчи» инновацияларни яратишга ва жорий қилишга йўналтирилади;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар портфели Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилади;

Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков устав фондида 50 ва ундан ортиқ фоиз давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари томонидан мазкур банднинг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган маблағларни Жамғармаларга ўз вақтида ажратиш ва ундан мақсадли фойдаланиш устидан тизимли назоратни амалга оширади, шунингдек, ҳар ярим йилда улар раҳбарларининг ҳисоботини эшитади.

Молия вазирлиги Ҳисоб палатаси ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда устав фондида 50 ва ундан ортиқ фоиз давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларида жамғарма ташкил этилиши, унинг маблағлари тасдиқланган миқдорда шакллантирилиши ҳамда мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатсин;

б) ишлаб чиқариш корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда улушли молиялаштириш механизмига мувофиқ янги ишланмаларни жорий этиш асосида яратилган инновацияларни — интеллектуал мулкни ишланма эгалари билан биргаликда патентлаш ва тижоратлаштиришни ташкил этиш амалиёти йўлга қўйилади.

7. Қўйидагилар:

2026 йилга келиб мамлакатимиз Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 56 та илғор мамлакати қаторига киришига эришишни бош мақсад қилиб қўйганлиги;

2021 йилда Глобал инновацион индекс рейтинги эълон қилинганлиги, унда Ўзбекистон ўтган йилга нисбатан 7 та поғонага қўтарилиб, 132 та давлат орасида 86-ўринни эгаллаганлиги, шу сабабли энг катта поғона юқорилаган мамлакатлар топ-10 талигига кирганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши (Т. Нарбаева) Инновацион ривожланиш вазирлиги, манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда Глобал инновацион индекс рейтингида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда «Инновацион менежмент», «Лойиҳа бошқаруви», «Тижоратлаштириш», «Интеллектуал мулкни бошқариш» йўналишлари бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқсин ва 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб тегишли олий таълим муассасаларида жорий қилсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда меҳнат бозорида инновацион ривожланиш йўналишидаги кадрларга бўлган реал эҳтиёждан келиб чиқиб тайёрланган кадрлар тақсимотини ва бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

9. Наманган вилояти Чуст тумани ҳокимининг инновацияларни ривож-

лантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилганлиги ҳамда унинг фаолияти давомида ижобий кўрсаткичларга эришилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ўз туман (шаҳар)ларининг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, инновацион ҳудудга айлантириш мақсадида ҳар бир ҳудудда қўшимча туман (шаҳар)ларни белгилаш ҳақидаги таклифига розилик берилсин ҳамда ушбу ҳудудлар рўйхати 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Нукус, Марҳамат, Ромитан, Дўстлик, Нишон, Кармана, Ургут, Сирдарё, Олтинсой, Оҳангарон, Олтиариқ ва Гурлан ҳамда мазкур Фармоннинг 4-иловада келтирилган туманларда ҳокимнинг инновацион ривожланиш масалалари бўйича ўринбосари лавозимлари жорий қилинсин.

Белгилансинки:

ҳоким ўринбосарлари лавозимлари тегишли туман бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

Инновацион ривожланиш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ҳамда тегишли туман ҳокимларининг инновацион ривожланиш масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамкорлигини ташкиллаштиради.

Бош вазир ўринбосари С. Умурзаков Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда бир ой муддатда инновацион ривожланиш масалалари бўйича ҳокимларнинг ўринбосарлари лавозимлари киритилган туманларни инновацион ҳудудларга айлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПФ-6198-сон Фармони билан инновацияларни жорий этиш вазифаси юклатилган раҳбар ўринбосарларининг базавий лавозим маошига ҳар ойлик 30 фоиз миқдоридаги устамалар тегишли вазирлик, идора ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан (бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси мавжуд бўлмаган тақдирда Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида), хўжалик бирлашмалари, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган йирик ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан тўланади.

11. Инновацион ривожланиш вазирлигига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлар, илмий ва олий таълим ташкилотларининг инновацион фаолияти натижалари йиллик рейтингини юритиш;

илмий ва олий таълим ташкилотларининг илмий фаолияти бўйича баҳолаш ҳамда янги илмий ишланма ва технологиялар яратиш лойиҳаларини молиялаштиришнинг янги тизимларини ишлаб чиқиш;

Электрон кооперация портали орқали амалга ошириладиган инновацион маҳсулот ва хизматларни тўғридан-тўғри харид қилишга оид шартномаларнинг реестрини юритиш;

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

инвестицион лойиҳаларда инновацияларни жорий қилиш, ҳудудларда ўзлаштириладиган инвестиция лойиҳаларини технологик ечимлар билан тўлдириш, шу йўналишларга инвестиция олиб келинишида кўмаклашиш.

12. Ушбу Фармон ижросини самарали ташкил қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков ҳамда инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2023 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 6 июль,
ПФ-165-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 6 июлдаги
ПФ-165-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг
инновацион ривожланиш
СТРАТЕГИЯСИ**

1-боб. Кириш қисми

Сўнги беш йиллик ислохотлар натижасида республикада таълим сифати ва қамровини ошириш ҳамда ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодий эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш, илмий-инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, мамлакатнинг инновацион салоҳиятини шакллантириш ва янада такомиллаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқишга қаратилган норматив-ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди ва тубдан янгиланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари билан Ўзбекистон Республикасини 2019 — 2021 йилларда инновацион ривожлантириш стратегияси, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси, 2022 —

2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тасдиқланди. Шунингдек, «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида», «Инновацион фаолият тўғрисида», «Таълим тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди.

Бундан ташқари, 2019 — 2021 йилларда инновацион ривожлантириш стратегияси доирасида илм-фан соҳасига Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳажми 3 бараварга ошди, ёш олимлар сони 6,5 минг нафардан 10,8 минг нафаргача етди, инновацион фаолиятни молиялаштириш бўйича махсус институтлар ташкил қилинди.

Қабул қилинган ҳужжатларнинг амалиётга жорий қилиниши 2026 йилгача бўлган даврда республикада инновацион экотизимнинг тегишли элементлари тўлиқ шаклланиши ва изчил ривожланишига хизмат қилади.

Қабул қилинган узоқ муддатли дастурларнинг амалга оширилиши натижасида юз берадиган тизимли ўзгаришлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси илм-фан ҳамда олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияларида кўзда тутилган ислохотлар олий таълим тизими қамрови, сифати ва салоҳиятини тубдан ўзгартириши ҳамда пировардида замонавий билимга эга олий маълумотли, илмий салоҳиятли битирувчилар сонининг кескин ортишига олиб келади.

Кейинги йиллардаги энг устувор ва ўзига хос вазифа бу — тезкорлик билан замонавий технологияларга асосланган, юқори иш ҳақи таклиф этадиган янги иш ўринларини яратиш бўлиб қолади. Муаммонинг амалий ечимларидан бири сифатида инновация — юқори технологик иш ўрни тамойилига асосланган мамлакатнинг ўзига хос ривожланиш хусусиятларига қаратилган алоҳида стратегик амалий дастурлар ишлаб чиқиш зарур.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси 2022 — 2026 йилгача инновацион ривожланиш стратегиясининг юқори технологик ва илм-фанга асосланган янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ҳамда юқори иш ҳақига эга иш ўринларини яратиш орқали узоқ муддатли йўналишлари ҳамда ривожланиш дастурлари белгилаб берилмоқда.

1-§. Инновацион экотизим таснифи

Жаҳон тажрибасига мувофиқ инновацион экотизим ўзаро боғлиқ бўлган «тубдан янгиловчи» (disruptive), «барқарор» (sustainable) ва «самадар» (efficiency) инновациялардан таркиб топган.

«Тубдан янгиловчи» инновациялар янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки хизмат турларини ташкил қилишдан иборат бўлиб, аксарият ҳолатларда капитал талаб қилади, бироқ кўплаб янги иш ўринларини яратишга сабаб бўлиши билан катта аҳамият касб этади.

«Барқарор» (sustainable) инновациялар — тез ўзгарувчан истеъмол бозорида «тубдан янгиловчи» инновацияларнинг барқарорлигини таъминлаш ва мунтазам тарзда такомиллаштириб боришдан иборат бўлиб, янги иш ўринларини яратмайди ва катта маблағ талаб қилмайди («тубдан янгиловчи» инновациялар инновация бозорини ва харидорини муқимлаштириб, жозибдорлигини таъминлаб туради).

Инновацион экотизимдаги кейинги занжир «самарадор» (efficiency) инновациялар бўлиб, «барқарор» инновацияларни арзонлаштириш ва кўламини кенгайтириш ҳисобига катта миқдордаги капитални яратади, бироқ иш ўринлари камайишига олиб келади. Янги иш ўринларига эҳтиёжни яна қоплаш учун яратилган капиталнинг бир қисми, табиийки, «тубдан янгиловчи» инновацияларга йўналтирилиб, циклик жараёни даврий равишда давом эттириш лозим. Шу сабабли, янги иш ўринларига эҳтиёжни қоплаш учун яратилган капиталнинг бир қисми «тубдан янгиловчи» инновацияларга қайта йўналтирилади.

2-боб. Мамлакат инновацион ривожланишининг мавжуд муаммолари

Ҳозирги кунда яқин келажакда инновацион ривожланиш соҳасида ҳал этилиши зарур бўлган қуйидаги асосий муаммолар сақланиб қолмоқда:

биринчидан, мамлакатимизда ҳар йили 600-700 минг аҳоли меҳнат бозорига кириб келмоқда. Шунингдек, олий таълим билан қамров 2016 йилга нисбатан 9 фоиздан 38 фоизгача ошди ва бу кўрсаткич яқин келажакда 50 фоизгача етказилади. Бу эса олийгоҳлар битирувчиларини юқори технологик иш ўринлари билан таъминлашнинг самарадор механизмларини ишлаб чиқишни талаб этмоқда;

иккинчидан, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлашда инновациялар ёрдамида ишлаб чиқариш ташкилотлари ва хизмат кўрсатишнинг турларини ошириш орқали кўплаб янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада рағбатлантириш ҳамда тармоқ ташкилотлари ва кластерлар, венчур ташкилотлари ва тегишли молия бозорларининг турли воситалари кўмагида капитал яратишни, яъни арзонлаштирилган ва ҳаммабоп ишлаб чиқаришни («бирни-мингга» айлантирадиган) таъминлаш тизимига ўтишга катта эҳтиёж мавжуд;

учинчидан, илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни давлат-хусусий шерикликда молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш ва ҳажмини ошириш, халқаро молия ташкилотлари ва жамғармалари маблағларини жалб қилиш ҳамда тадбиркорликка зарур кўникмаларни технопарклар, инновацион марказлар ва ёшлар технопарклари орқали кичик ва инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни талаб этмоқда;

тўртинчидан, ҳудудларнинг иқтисодий ихтисослашуви, илмий-техник салоҳияти ва мавжуд ресурсларини ҳисобга олган ҳолда инновацион ривожланишнинг ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилмаган ҳамда ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик базаси узлуксиз янгиланишини таъминлашга қаратилган ечимларни жорий қилишда инновацион технологияларга урғу ва устуворлик бериш талаб қилинмоқда;

бешинчидан, муваффақиятли стартап лойиҳаларни серияли ишлаб чиқариш босқичларида инновацион технопарклар ва эркин иқтисодий зона-

лар аъзолигига қабул қилиш орқали мақбул қўллаб-қувватлаш механизмлари ишлаб чиқилмаган, хусусий секторнинг янги илмий ишланмаларга бўлган қизиқишини кучайтириш ва инновацияларни «хамкорликда молиялаштириш»га (co-finance) бўлган манфаатдорлигини рағбатлантириш учун махсус қўллаб-қувватлаш чоралари жорий этилмаган;

олтинчидан, республикада «тубдан янгиловчи» — «барқарор»-«самарадор» инновацияларнинг циклик муносабатларини (яъни, инновацияларни) яратиш учун инновациянинг ўзи капитал ишлаши — «тармоқ-худуд-илмий/олий таълим ташкилот» даврийлигини ўзида мужассам этган яхлит тизим мавжуд эмас ва унинг асосий жараёнлари ўта тарқоқ шаклда қолиб кетмоқда.

3-боб. Инновацион ривожланиш стратегиясини амалга оширишнинг устувор секторлари

Инновацион ривожланиш стратегиясини амалга оширишда қуйидаги секторларга устувор аҳамият қаратилади:

кайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш соҳасида муқобил ва экологик тоза энергия манбаи — «яшил» водород ишлаб чиқариш, сақлаш ва қўллаш бўйича инновацион технологияларни яратиш;

янги композит материалларни ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни кенг жорий қилиш;

робототехника соҳасини ривожлантиришга талаба-ёшларни кенг жалб қилиш;

биотехнологик маҳсулотларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш ҳамда биотехнологик ишланмаларни иқтисодиёт тармоқларига жорий этишни ташкил этиш;

глобал иқлим ўзгаришлари шароитида сув-тежовчи, тупроқ унумдорлигини оширувчи ва юқори ҳосилдор экин турлари ва ҳайвон зотларини яратиш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган инновацион технологияларни яратиш;

саноат ва кластерлаш (мис ва виночилик) ҳамда шаҳарсозлик концепцияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

сунъий интеллект, буюмлар интернетини ҳамда рақамлаштириш технологияларини жорий қилиш.

4-боб. Стратегиянинг асосий мақсади ва йўналишлари

Стратегиянинг асосий мақсади — мамлакатда креатив иқтисодиётни шакллантиришда янги иш ўрни яратишдан бошлаб иқтисодий қиймат (капитал) яратишгача бўлган «тармоқ-худуд-илмий/олий таълим ташкилот» узлуксиз экотизимни ривожлантиришдир.

Бош мақсадга эришишда Стратегия қуйидаги 6 та асосий йўналишлардан иборат:

инновацион инфратузилма субъектлари (инновацион технологик парк,

технологиялар трансфери маркази, инновацион кластер, венчур ташкилоти, инновация маркази, стартап акселератор, инкубатор) тармоғини шакллантириш орқали стартап ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳамда йирик ҳажмли ишлаб чиқаришни (капитал яратиш) ташкил этиш;

инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг институционал механизмларини такомиллаштириш орқали инновацион фаол ташкилотлар улушини ошириш;

кичик тадбиркорликнинг инновацион фаоллигини ошириш орқали худудларнинг ижтимоий-иқтисодий жадал ўсишини таъминлаш;

янги турдаги маҳсулотлар ва инновацион технологиялар яратишнинг ғоядан якуний истеъмолчигача бўлган комплекс тизимини таъминлаш орқали инновацияларга бўлган талабни рағбатлантириш;

яратилган капитални «тубдан янгиловчи» инновацияларга қайта йўналтириш тизимини шакллантириш;

таълимнинг барча босқичларида яратувчанлик, инновацион тадбиркорлик ва рационализаторлик кўникмаларини ривожлантириш орқали инновацион фаолият бошқарувида инсон капиталини янада ривожлантириш.

4.1-§. Инновацион инфратузилма субъектлари тармоғини шакллантириш орқали стартап ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳамда йирик ҳажмли ишлаб чиқаришни (капитал яратиш) ташкил этиш

Ушбу йўналишда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда мамлакатимизда «кластер» ва «кластер сиёсати»нинг ягона концепцияси ҳамда қонуний асосларини ишлаб чиқиш;

инновацион ва юқори технологияли маҳсулотлар бозорини кенгайтириш, стартап ва кичик инновацион ташкилотларни ўзаро манфаатдор «пиноцитози» (қамраб олиб ўзлаштириш) механизми асосида инновацион кластерлар ёки йирик ташкилотлар ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш;

инновацион кластерлар ёки стартаплар «пиноцитози» орқали йирик ташкилотларни ташкил қилишда иштирокчилар ҳуқуқи ва мулклар сотилиши, лицензияланиши ва шерикчиликда эгалик қилиниши асосларини яратиш ва тартибга солиш;

инновацияларни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, кичик ва ўрта ташкилотларнинг илм-фан ва таълим билан интеграция қилиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш;

бозор талабларига мослашувчан миллий инфратузилмани ривожлантириш орқали халқаро сифат сертификатларига эга бўлган кластер ва йирик инновацион ташкилотлар улушини ошириш;

янги рақобатбардош ва юқори технологияли маҳсулотларнинг арзонлаштирилган ва ҳаммабоп катта ҳажмли ишлаб чиқарилишини ташкил

этиш, маҳаллийлаштириш ҳамда самарадор инновациялар орқали капитал яратиш;

кластерлар ва йирик инновацион ташкилотлар томонидан мунтазам равишда ўз эҳтиёжлари ва муаммолари ечимига қаратилган «тубдан янгиловчи» инновацияларга сармоя киритиш кўникмасини шакллантириш, бунда илмий-амалий ва услубий семинар тренинглар ташкил этиш ва уларнинг бошқарув фаолияти сифатини ошириш;

халқаро экспертларни саноат кластерларини ривожлантиришга кенг жалб этиш, халқаро семинар ва форумлар ташкил этиш;

мамлакатда рационализаторлик билан шуғулланиш учун кенг шарт-шароит яратиш ва унинг норматив-ҳуқуқий асосларини яратиш;

инновацион ғояларни прототиплаш ва кичик серияли бирламчи ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун ёшлар инновацион технопаркларини ташкил этиш, уларни бизнес-инкубация ва бошқа консалтинг хизматларини кўрсатишни ўз ичига олган жамоавий фойдаланиш марказлари ва ҳудудий «ФабЛаб» тажриба-конструкторлик майдончалари тармоқлари ҳамда прототиплаш устахоналари билан таъминлаш;

бозорда жорий қилиш учун истиқболли инновацион лойиҳаларга, стартап ташаббусларга акселерация, логистика ва молиялаштириш хизматларини кўрсатишни ўз ичига олувчи инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери марказлари фаолиятини кенг йўлга қўйиш;

илмий-тадқиқот институтлари, университетлар ва ишлаб чиқариш ўртида яқин ҳамкорликни ўрнатиш, интеллектуал мулкни сотиш учун лицензия шартномаларини тайёрлашда маслаҳат ёрдами бериш, технологиянинг истеъмолчилари бозорини қидириш учун Технологияларни лицензиялаш марказларини ташкил этиш;

инновацион ташкилотларни ривожлантириш ҳамда илмий-инновацион ишлаб чиқаришнинг узлуксиз занжирини яратиш;

стартап ташаббуслар ва лойиҳаларни молиялаштиришнинг замонавий механизмларини (венчур, краудфандинг каби) шакллантириш, рақобат муҳитига асосланган соддалаштирилган молиялаштириш тадбирларини кенгайтириш (бўлажак олим, хакатон танловлари, техновейс марафонлари каби);

ҳудудий инновация марказлари ва технопаркларни малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда инновация марказлари учун ягона бошқарув тизимини йўлга қўйиш.

Масъул ижрочи ташкилотлар: Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Мувофиқлаштириш учун масъул ташкилотлар: Инновацион ривожланиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги.

4.2-§. Инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг институционал механизмларини такомиллаштириш орқали инновацион фаол ташкилотлар улушини ошириш

Ушбу йўналишда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

давлат илмий дастурлари доирасида хусусий секторнинг инновацион фаоллигини оширишда уларнинг илмий-тадқиқот лойиҳаларини танловлар асосида молиялаштиришнинг янги таъсирчан механизмларини жорий этиш;

илмий-тадқиқот фаолият сифатини ошириш ҳамда уни тижоратлаштириш даражаси самарадорлигини таъминлаш;

илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни давлат-хусусий сектор шериклигида молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш ва ҳажмини ошириш;

инновацион экотизимни ривожлантириш учун халқаро молия ташкилотлари ва жамғармалари маблағларини жалб қилиш;

технопарклар резидентлари ўртасида инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ягона солиқ ва божхона имтиёзларини жорий этиш;

илмий ташкилотларда бошқарув ва илмий фаолият самарадорлигини оширишда уларни модернизация қилишнинг намунавий тизимини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш;

яшил иқтисодиёт тамойилларига асосланган қайта тикланувчи энергетика, янги композит материаллар, робототехника, биотехнология, озиқ-овқат хавфсизлиги, ақлли қишлоқ хўжалиги, ақлли тиббиёт, ақлли саноат ва кластерлаш (мис ва виночилик) каби стратегик йўналишлар бўйича сунъий интеллект, буюмлар интернетини ҳамда рақамлаштириш технологияларини жорий этишда ресурсларни жамлаш, янги иш ўринлари ва маҳсулот яратиш ҳамда янги хизматлар ташкил қилиш;

тадбиркорлик ва бизнесни бошқариш соҳаларининг зарур кўникмаларини ривожлантириш учун инновация марказлари ва ёшлар технопаркларини асосида кичик ва инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ихтисослаштирилган ўқув дастурларини амалга ошириш;

давлат харидлари доирасида инновацион технологиялар асосида товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар учун имтиёзлар яратиш, маҳаллий илмий ташкилотлар билан илмий-тадқиқот ва инновация ишларини амалга оширувчи маҳаллий компаниялар эҳтиёжлари учун давлат грантларини ажратиш;

хусусий секторнинг ишланма ва тадқиқотларга бўлган қизиқишини ошириш ва илмий ташкилотлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, хусусий сектор томонидан инновацияларни молиялаштиришни (co-finance) рабатлантириш, шу жумладан, хусусий ишланма ва тадқиқот ёки молиялаштириш фаолияти билан шуғулланаётган ташкилотлар учун махсус қўллаб-қувватлаш чораларини жорий этиш;

илм-фан намоёндалари ва тадбиркорлар ҳамда ёшлар ўртасида интел-

лектуал мулк объектларини муҳофаза қилишнинг аҳамияти ҳақида маърифий-тарғибот тадбирларини ташкил этиш;

жамоатчилик ва хусусий сектор вакиллари орасида инновацион лойиҳалар ва стартап компанияларни венчур ташкилотлари томонидан молиялаштириш механизмларини кенг ёритиш.

Масъул ижрочи ташкилотлар: Инновацион ривожланиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги.

Мувофиқлаштириш учун масъул ташкилот: Инновацион ривожланиш вазирлиги.

4.3-§. Кичик тадбиркорликнинг инновацион фаоллигини ошириш орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жадал ўсишини таъминлаш

Ушбу йўналишда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

а) ҳудудларни ва давлат ташкилотларини инновацион ривожлантиришнинг йиллик миллий рейтингларини жорий этиш, шу жумладан, асосий баҳолаш мезонлари ва индикаторларини аниқлаш;

б) ҳудудларнинг шароити ва эҳтиёжларидан, ижтимоий-иқтисодий ўсиш нуқталаридан келиб чиқиб, илм-фан ютуқларига, технологиялар трансфери ва рационализаторликка асосланган ҳолда инновацион ташкилотлар ташкил этиш, янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, туб аҳоли учун янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг кунлик ҳаётига инновацияларни олиб кириш. Жумладан:

кундалик ҳаётий жараёнлар билан бевосита боғлиқ, йўл-транспорт, коммунал, тиббий ва маиший хизматлар учун «ақлли технологиялар»ни жорий қилиш;

ишлаб чиқаришнинг чекланган ресурсларга қарамлигини ва атроф муҳитга таъсирини камайтириш учун қайта тикланадиган манбалар, материаллар ва саноат чиқиндиларини қайта ишлашни ташкил этиш орқали саноатда кам углеродли ва айланма иқтисодиёт тамойилларини жорий қилиш;

қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳасига сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш;

аҳолининг инновацион ишлаб чиқариш фаолиятларини давомли равишда қўллаб-қувватлашда ҳудудий олий таълим ва илмий ташкилотларнинг маҳалла институтлари билан яқин ҳамкорлигини ўрнатишга қаратилган самарали механизмларни жорий этиш;

республикани қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти соҳаларида минтақавий етакчига айлантириш;

маҳаллий илмий, рационализаторлик ва стартап ишланмаларни тижоратлаштиришни кенгайтириш;

в) алоҳида танлаб олинган туманларда юқори самарадор инновацияларни

жорий этиш асосида ушбу ҳудуд аҳолисининг турмуш даражасини ошириш, юқори технологик янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш ва ҳудудни комплекс инновацион ривожлантириш йўналишларида мавжуд аналогларига нисбатан ҳам нарх ва сифат устунликларига ҳамда инновация элементларига эга лойиҳаларни ўз ичига олган комплекс технологик ечимлардан иборат инновацион бизнес модел асосида «Инновацион ҳудуд»ларни қуйидаги йўналишларда ривожлантириш:

«Рақамли ҳокимият» — аҳолининг барча қатламлари ва тадбиркорлик субъектлари учун рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда тезкор, қулай ва ишончли давлат хизматлари кўрсатишга қаратилган инновацион ечимлар;

«Ақлли тиббиёт» — аҳолига юқори технологиялар ва ИТ-ечимлар асосида тиббий хизмат кўрсатиш ва аҳоли саломатлигини сақлашнинг (профилактика ва диагностика қилишнинг) инновацион ечимлари;

«Ақлли транспорт» — транспорт воситалари ва инфратузилмаси тизимининг бир-бири билан мутаносиб боғлиқлигини таъминлашга қаратилган технологик комплекслар, йўл ҳаракатини ва жамоат транспортини геоахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бошқариш тизимининг инновацион ечимлари;

«Ақлли таълим» — таълим тизимида виртуал реалликка асосланган илғор визуализация технологиялари ҳамда масофавий ўқитишнинг онлайн-платформалари, таълим беришнинг янги усул ва воситаларини жорий қилиш;

«Ақлли қишлоқ хўжалиги» — аграр соҳада персоналлаштирилган қишлоқ хўжалиги технологиялари, янги самарадор навлар ва маҳаллий хомашё, «яшил» технологияларга ва юқори маҳсулдорликка асосланган қишлоқ хўжалиги юритиш бўйича инновацион ечимлар;

«Ақлли энергетика тизими» — энергия таъминотида қайта тикланувчи энергия манбалари ва «яшил» технологияларни кенг жорий этиш, электр энергиясини етказиб бериш ва истеъмол қилишда «ақлли» технологиялар бўйича инновацион ечимлар;

«Ақлли маҳалла» — аҳоли истиқомат қиладиган маҳаллаларда, аҳоли хонадонларида инновацион технологияларга асосланган даромад манбаларини кенгайтириш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича инновацион ечимлар;

г) инновацион ҳудудларда тўпланган тажрибани бошқа ҳудудларга босқичма-босқич жорий қилиш орқали мамлакат марказидан олис ҳудудларгача «тубдан янгилувчи» инновацияларнинг кириб боришини таъминлаш. Жумладан, инновацион ривожлантириш ҳудудларида 2022 — 2026 йилларда кичик инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун тайёр «1 000 та инновацион лойиҳалар» таклифлар портфелини шакллантириш ва босқичма-босқич амалга ошириш. Шунингдек, муваффақиятли кичик инновацион ишлаб чиқариш ташкилотларини республиканинг бошқа географик ҳудудларига трансфер қилиш;

д) ҳудудларнинг иқтисодий ихтисослашуви, илмий-техник салоҳияти ва

мавжуд ресурсларини ҳисобга олган ҳолда инновацион ривожланишнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш;

е) ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик базаси узлуксиз янгила-нишини таъминлаш учун инновация ва инвестиция лойиҳаларини биринчи ўринга қўйиш усулларини кенг жорий этиш;

ж) ҳудудлардаги иқтидорларни аниқлаш, рағбатлантириш ва илм-фан билан шуғулланишлари учун марказий олий таълим муассасалари, Ёшлар академияси ва Фанлар академияси тизимига «Академик ҳаракатчанлик» ва «Бўлажак олим» дастурлари орқали жалб қилиш янги авлод илм-фан жа-моалари ва мактабларини шакллантириб бориш.

Масъул ижрочи ташкилотлар: Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллик-ни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кен-гаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги ва-зирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инновацион ривожла-ниш вазирлиги.

Мувофиқлаштириш учун масъул ташкилотлар: Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари.

4.4-§. Янги турдаги маҳсулотлар ва инновацион технологиялар яратишнинг ғоядан якуний истеъмолчигача бўлган комплекс тизимини таъминлаш орқали инновацияларга бўлган талабни рағбатлантириш

Ушбу йўналишда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади: республиканинг барча ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқларини қамраб олган «Инновацион ғоялар банки»нинг мунтазам янгиланиб турувчи онлайн платформасини яратиш;

инновацион фаолиятнинг институционал самарадорлигини оширишда миллий инновацион тизимда (илмий фаолият, технология ва инновация) ислохотлар изчиллигини таъминлаш;

Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик миссиялари фойдаланиши учун мамлакатнинг илмий, инновацион ва технологик ютуқларини ўз ичига ол-ган Электрон платформани шакллантириш;

инновацион бошқарувнинг давлат стандартларини жорий қилиш, шу жумладан, ташкилотлар томонидан инновацион ёндашувларни амалга оши-риш, инновацияларни баҳолаш ва инновацион менежмент тизимлари ҳамда интеллектуал мулкни бошқариш бўйича йўриқномаларни қайта кўриб чи-қиш ва жорий қилиш;

интеллектуал мулк ҳуқуқларини химоя қилиш, унинг эгаларининг мод-дий ва маънавий рағбатлантирилишида интеллектуал мулкни баҳолаш ва интеллектуал мулк объектларининг лицензия шартномаларини рўйхатдан ўтказишда соддалаштирилган механизмларни татбиқ этиш ва соҳага рақамли технологияларни босқичма-босқич жорий этиш;

муваффақиятли стартап лойиҳаларни ҳажмдор ва узлуксиз ишлаб чи-

қариш босқичларида инновацион технопарклар ва эркин иқтисодий зоналар резидентлигига қабул қилиш билан ишлаб чиқаришга солиқ ва божхона имтиёзларини бериш орқали қўллаб-қувватлаш;

олий таълим муассасаларида тадбиркорлик муҳити ва фаолиятини шакллантириш ҳамда илмий-тадқиқот натижаларининг технологик трансферларини қўллаб-қувватлашда академик «спин-офф» компанияларини ташкил этиш орқали рағбатлантириш;

миллий бренд маҳсулотлар ва хизматлар, жумладан, рақамли дастурий маҳсулотларнинг жаҳон бозорларига самарали кириб боришини таъминлаш.

Масъул ижрочи ташкилотлар: Инновацион ривожланиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мувофиқлаштириш учун масъул ташкилот: Инновацион ривожланиш вазирлиги.

4.5-§. Яратилган капитални «тубдан янгиловчи» инновацияларга қайта йўналтириш тизимини шакллантириш

Ушбу йўналишда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

«тубдан янгиловчи» инновацияларга Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан йўналтириладиган маблағларни инновацион ташкилотлар томонидан жамғармага қайтариш тизимини яратиш;

жаҳон тажрибаси асосида устав фондида 50 ва ундан ортиқ фоиз давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларининг ҳамда давлат ташкилотларининг фойда солиғини тўлагунга қадар фойданинг 10 фоизгача миқдордаги мажбурий ажратмаларини «тубдан янгиловчи» инновациялар яратишга ва жорий қилишга йўналтириш;

қайтарилган капитални ишлаб чиқарувчи ташкилот муаммоларини бар-тараф этиш ва келажакда ташкилот учун қўшимча самарадорлик (қўшимча капитал) келтирадиган лойиҳаларга мақсадли йўналтириш механизмларини ишга тушириш;

ишлаб чиқариш ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда улушли молиялаштириш механизмига мувофиқ янги ишланмаларни жорий этиш асосида яратилган интеллектуал мулкни ишланма эгалари билан биргаликда патентлаш амалиётини йўлга қўйиш;

«Тармоқ-худуд-илмий/олий таълим ташкилот» циклик жараёнида инновацион ташкилотларни илмий фаолият натижалари билан қўллаб-қувватлашга қаратилган S2B (science to business) платформасини яратиш.

Масъул ижрочи ташкилотлар: Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси.

Мувофиқлаштириш учун масъул ташкилотлар: Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги.

4.6-§. Таълимнинг барча босқичларида яратувчанлик, инновацион тадбиркорлик ва рационализаторлик кўникмаларини ривожлантириш орқали инновацион фаолиятни бошқаришда инсон капитални янада ривожлантириш

Ушбу йўналишда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

талаба ёшларда инновациянинг дастлабки илмий, терминологик, технологик тушунчаларини шакллантириш орқали инновацион фаолиятдаги ролини ошириш;

илм-фан ва инновацион фаолиятга кириб келаётган ёшлар, стажёр-тадқиқотчи ва таянч докторантларнинг билими ва савиясини ошириш мақсадида ўз иқтидорларини ва рационализаторлик қобилиятларини намоён қилишлари учун жозибадор рағбатлантириш механизмларини, интеллектуал рақобат муҳитини яратиш;

иқтидорли мактаб ўқувчилари ва талаба ёшларни ўзида жамлаган Ёшлар академияси фаолиятини янада ривожлантириш ва қамров доирасини ошириш орқали ёшларнинг илмий ҳамда инновацион фаоллигини қўллаб-қувватлаш;

олий таълим ташкилотларидаги инновацион марказлар, технопарклар ҳамда ҳудудий инновация марказлари ва бизнес-инкубаторларда стартап лойиҳаларни акселерациядан ўтказиш дастурларини кенг жорий этиш;

инновация ва технологик фаолиятни бошқариш йўналишида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг мунтазам илмий-амалий стажировкаларини ташкил қилиш;

олий таълим ташкилотларининг молиявий барқарорлигини яхшилаш, илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги интеграциясини мустаҳкамлаш, жаҳон илм-фани ва таълим дастурлари билан ҳамоҳанглигини таъминлаш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларини қондирувчи таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича кадрлар билан таъминлашга қаратилган «Инновацион университет» концепциясини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич жорий этиш.

Масъул ижрочи ташкилотлар: Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги.

Мувофиқлаштириш учун масъул ташкилотлар: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги.

5-боб. Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Стратегияни амалга ошириш давомида қуйидаги натижаларга эришилади: ёшларда яратувчанлик, инновацион тадбиркорлик ва рационализаторлик қобилиятларини шакллантириш;

инновацион фаолиятни микро ва макро даражада амалга ошириш ва ривожлантиришни таъминлаш бўйича инновациялар соҳасидаги мутахассисларни кўпайтириш;

халқаро майдонда мамлакатнинг илмий салоҳиятини оширишга йўналтирилган, инновацияларнинг кенг жорий этилишида бозор талабларига мослашувчан миллий инновацион инфратузилмасини шакллантириш ва модернизация қилиш;

ресурс сафарбарлигининг узлуксиз занжирини яратиш орқали илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш;

олий таълим муассасаларида тадбиркорлик мухитини яратиш ва ихтисослаштирилган «спин-офф» компанияларини ташкил этиш;

миллий иқтисодиётга инновацион маҳсулотлар ва ечимларни ишлаб чиқиб, жорий қилишнинг замонавий «занжири» ва ягона тизимини яратиш орқали мамлакатда инновациялар ва технологиялар соҳасининг инвестицион жозибadorлигини ошириш, манфаатдорлик ва рақобат мухитини яратган ҳолда хорижий инвестициялар ва техник-қўмак грантлари, шунингдек, венчур ташкилотлари ҳамда тегишли молия бозорларининг турли воситалари орқали молиялаштириш ҳажмини ошириш;

«тубдан янгиловчи» инновацияларга асосланган кичик ва ўрта бизнес компаниялари ва стартаплар сонини кўпайтириш;

«самарадор» инновация салоҳиятига эга илмий ишланмалар ва стартап ташаббусларни тижоратлаштириш даражасини ошириш;

жаҳон андозалари асосида стартап ва кичик инновацион ташкилотларни бирлаштириш орқали инновацион кластерларни ва йирик ташкилотларни ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш, илмий-техник ва методологик қўллаб-қувватлаш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари бўйича диверсификациялаш;

«тубдан янгиловчи» инновацияларга хусусий секторни кенг жалб этиш ва уларнинг инновацион фаоллигини ошириш;

худудларнинг инновацион фаоллиги ва илмий салоҳиятини ошириш; илмий ҳажмдор ва инновацион маҳсулот ва хизматларнинг жаҳон бозоридаги экспорт ҳажмини ошириш;

халқаро сифат сертификатига эга, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош бўлган миллий бренд маҳсулотларини кўпайтириш;

«тубдан янгиловчи» инновацияларга асосланган янги ишлаб чиқариш орқали ёшлар ва хотин-қизлар ҳамда хорижий давлатларда ташқи миграция фаолияти орқали меҳнат қилаётган меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламини юқори даромадли муносиб янги иш ўринлари билан таъминлаш;

«тубдан янгиловчи» инновацияларга асосланган янги ишлаб чиқариш ва ресурсларни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш орқали sanoatнинг самарадорлиги ва ҳажмини ошириш;

янги рақобатбардош ва юқори технологияли маҳсулотларнинг арзонлаштирилган ва ҳаммабop катта ҳажмли ишлаб чиқаришини ташкил этиш орқали қўшимча иқтисодий қиймат (капитал) яратиш;

мамлакатда ўзарo манфаатдорлик, рағбат ва рақобатга асосланган «инновация — капитал — инновация» циклик жараёнини таъминлаш ҳамда бу жараёнда ишланма эгаси, тадбиркорлар ва инвесторларнинг мулкка эгалик ҳуқуқини кафолатлаш;

мунтазам равишда ўз эҳтиёжлари ва муаммолари ечимига қаратилган «тубдан янгиловчи» инновацияларга сармоя киритиш маданиятига эга инновацион фаол ва ташаббускор жамиятни шакллантириш.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
ҚАРОРИ**239 2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг
инновацион ривожланиш стратегиясини амалга оши-
риш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги «2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-165-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагиларга:

худудлар раҳбарлари, нефть, газ, энергетика, йўл инфратузилмаси, автомобиль саноати, темир йўлда ташиш соҳаларидаги корхоналар раҳбарларига — инновациялар жорий қилинган корхоналар, инновацион технологиялар, расмийлаштирилган ихтиролар сони пастлиги, маҳаллий ишланмаларнинг тижоратлаштирмаганлиги, соҳаларга инновацион технологияларни кенг жорий қилишда сусткашликка йўл қўйилгани, илмий ташкилотлар билан узвий ҳамкорликни ўрнатилмаганлиги, инновацияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратилмаганлиги;

олий таълим муассасалари ҳамда илмий ташкилотлар раҳбарларига — илмий фаолиятга оид давлат дастурларида грант лойиҳаларининг улуши пастлиги, уларнинг тижоратлаштириш жамғармаларига маблағ ажратилмаётганлиги, илмий лойиҳалар бўйича патентлар олинмаганлиги, халқаро нашрларда илмий мақолалар чоп этилмаганлиги, илмий кадрларни тайёрлаш жараёни паст даражада ташкил қилинганлиги, тармоқларга хизмат кўрсатиш соҳаси етарли даражада ривожланмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

2. Қуйидагилар:

а) 2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 1-иловага** мувофиқ;

б) 2022-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ва стартап лойиҳалар рўйхати 2-иловага** мувофиқ;

в) тармоқлар бўйича:

2022-2023 йилларда иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари томонидан янги инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича амалга ошириладиган аниқ устувор лойиҳалар рўйхати 3-иловага** мувофиқ;

2023 — 2026 йилларда иқтисодиёт тармоқларида амалга ошириладиган «драйвер» инновацион лойиҳалар рўйхати 4-иловага** мувофиқ;

иқтисодиёт тармоқлари ташкилотлари томонидан янги ишланма ва тех-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 7 июлда эълон қилинган.

** 1 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нологиялар асосида илмий ҳажмдор ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш лойиҳаларини амалга оширишнинг 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари 5-иловага* мувофиқ;

г) илмий ва олий таълим ташкилотлари бўйича:

2022-2023 йилларда илмий ташкилотлар томонидан янги ишланма ва технологияларни яратиш ва жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш дастури 6-иловага* мувофиқ;

2023 — 2026 йилларда илмий ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган «драйвер» инновацион лойиҳалар рўйхати 6а-иловага* мувофиқ;

2022 — 2024 йилларда инновацион фаолиятнинг истиқболли йўналишларида илмий ташкилотлар ҳузурида ташкил этиладиган, илмий ҳажмдор маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги инновацион академик корхоналар рўйхати 6б-иловага* мувофиқ;

2022-2023 йилларда олий таълим ташкилотлари томонидан янги ишланма ва технологияларни яратиш ва жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш дастури 7-иловага* мувофиқ;

2023 — 2026 йилларда олий таълим муассасалари томонидан амалга ошириладиган «драйвер» инновацион лойиҳалар рўйхати 7а-иловага* мувофиқ;

2022 — 2024 йилларда инновацион фаолиятнинг истиқболли йўналишларида олий таълим муассасалари ҳузурида ташкил этиладиган, илмий ҳажмдор маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги инновацион корхоналар рўйхати 7б-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги 2023 йил 1 декабрга қадар 2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясида эришилган натижалар ва мақсадли кўрсаткичлар ҳамда тегишли давр учун иқтисодий инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, мазкур Стратегияни амалга ошириш юзасидан келгуси икки йилга мўлжалланган «Йўл харитаси»ни тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг сифатли ишлаб чиқиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини ташкил этсин.

3. Мазкур қарорга 5-иловада кўрсатилган тармоқ ташкилотлари Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда илмий ҳажмдор ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш лойиҳаларини амалга оширишнинг 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларига мувофиқ ҳар йили ишлаб чиқиладиган «йўл хариталари» асосида ўз маблағлари ҳисобидан илмий ҳажмдор ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этсин.

4. 2022 — 2024 йилларда истиқболли йўналишларда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ташкил этиладиган, илмий ҳажмдор ва инновацион маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги инновацион (spin-off) корхоналар рўйхати 8-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, янги инновацион корхоналар:

* 5 — 8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнларида ресурсларни мақбуллаштирган ҳолда талаб юқори бўлган ва истиқболли инновацияларни кенг жорий этиш мақсадида ташкил этилаётган илмий ҳажмдор корхоналар ҳисобланади;

фаолияти давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ҳамкорлигида давлат илмий дастурлари доирасида, маҳаллий бюджет ва тадбиркорлик субъектлари маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳар йили илмий ҳажмдор маҳсулот (хизматлар) ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги инновацион корхоналарда рақобатбардош янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини ўзлаштириш лойиҳаларига давлат илмий дастурларига ажратилган маблағларнинг 10 фоизи йўналтирилишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари янги инновацион корхоналарнинг ташкил этилаётган ҳудудидан қатъи назар ўз фаолиятини барча ҳудудларда амалга оширишига ҳамда мижозлар базасини кенгайтиришига кўмаклашсин.

5. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги 1,95 га ер майдонида Инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопарки биноси жиҳозланган ҳолда қуриб битказилганлиги ҳамда унинг негизида Инновацион ривожланиш вазирлиги муассислигида «Inno technopark» МЧЖ ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг «Inno technopark» МЧЖни «Yıldız Teknoloji Gelietirme Bülgesi Teknopark A.Ş.» ташкилотининг Ўзбекистондаги ишончли вакили (кейинги ўринларда — ишончли вакил) ишончли бошқарувига бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Бунда:

а) «Inno technopark» МЧЖ ишончли бошқарувга беш йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади;

б) келишувларга кўра ишончли вакилга қўйидаги асосий вазифалар юклатилади:

мавжуд инфратузилмани бошқариш ва технопарк резидентларига хизмат кўрсатиш;

технопарк резидентларининг инновацион лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда интеллектуал ва саноат мулкани бошқаришда кўмаклашиш;

маркетинг, реклама ва ахборот хизматларини кўрсатиш;

хорижий давлатлардан технологиялар трансферига кўмаклашиш ҳамда инвестиция жамғармаларини ва венчур капиталларини жалб қилиш;

технопарк резидентлари маҳсулотининг халқаро кўرғазма ва ярмаркаларда иштирок этишини таъминлаш;

в) технопарк лойиҳаларини амалга ошириш натижасида резидентларнинг барча олган рухсатномалари, патентлари, илмий ва инновацион ишланмалари, технологиялари, хизматлари ва таҳлилий маълумотлари Инновацион ривожланиш вазирлиги мулки ҳисобланади.

Белгилансинки:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида инновацион ҳудудга айлантирилаётган туманларда инновацион, стартап, тижоратлаштиришга тайёрлаш, тижоратлаштириш ҳамда технологиялар трансфери лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган лойиҳалар рўйхатига асосан Инновацион ривожланиш вазирлиги хайъати қарорига мувофиқ давлат илмий дастурлари доирасида бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

«Inno technopark» МЧЖ тасарруфидаги ўқув-илмий лаборатория асбоб-ускуналаридан тегишлича талабалар ва докторантлар бепул фойдаланади.

6. «Inno technopark» МЧЖ ва унинг резидентларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5099-сон Фармонининг 5-банди билан IT-парк резидентларига берилган имтиёзлар (ижтимоий солиқдан ташқари) ва преференциялар 2022 йил 1 августдан бошлаб татбиқ этилсин.

«Яшнобод» инновация технопарки резидентлари учун 2022 йил 1 августдан бошлаб 2025 йил 1 августга қадар айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгилансин.

Бош вазир ўринбосари С. Умурзаков Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда «Inno technopark» МЧЖ ва «Яшнобод» инновация технопаркига резидентликка қабул қилишнинг янгиланган тартибини тасдиқласин.

7. Қуйидагиларга:

а) Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига:

мазкур қарорнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилишини таъминлаш, «Йўл харитаси»ни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилиш ҳамда мувофиқлаштириш;

инновация масалалари бўйича раҳбар ўринбосарлари фаолияти натижадорлигидан келиб чиқиб, уларни рағбатлантириш ёки интизомий, шу жумладан эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган қатъий чораларни кўриш, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритиш;

б) инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмонов зиммасига вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган корхоналарнинг инновацияларни жорий этиш бўйича фаолиятини идоралараро мувофиқлаштириш, уларнинг фаолиятида инновацияларни жорий этиш ҳолатини баҳолаш ҳамда мунтазам равишда инновация масалалари бўйича раҳбар ўринбосарларининг ҳисоботларини эшитиш ва уларга ташкилий-методик ёрдам кўрсатиш;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, масъул вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар, шу жумладан ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари зиммасига — мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш асосида тегишли ҳудудда инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, ҳар чорак якунидан сўнг кейинги ойнинг 5-санасига қадар ушбу қарор билан белгиланган чора-тадбирлар ижроси юзасидан Инновацион ривожланиш вазирлигига ҳисобот тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Илғор технологиялар марказини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПҚ–3674-сон қарорига 9-иловага* мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

9. Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков ҳамда инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2023 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 6 июнь,
ПҚ–307-сон

* 9-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

240 Болалар масалалари бўйича миллий комиссия тўғрисидаги низомни ва Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275-сон Фармонининг 3-бандига мувофиқ:

Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари тегишлича Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари этиб қайта ташкил этилганлиги;

Болалар масалалари бўйича миллий комиссиянинг (кейинги ўринларда — Миллий комиссия) асосий вазифалари белгиланганлиги ва унинг таркиби тасдиқланганлиги;

Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларининг ҳамда Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссияларининг (кейинги ўринларда — ҳудудий комиссиялар) намунавий таркиблари тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

а) Болалар масалалари бўйича миллий комиссия тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Миллий комиссиянинг мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби;

Миллий комиссия йиғилишларини ташкил этиш, ҳудудий комиссияларнинг ҳисобот бериши бўйича муддатлари;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 7 июлда эълон қилинган.

Миллий комиссия фаолияти бўйича маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгарлик;

б) Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари тўғрисидаги намунавий низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

худудий комиссияларнинг мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби;

туман (шаҳар) комиссияси томонидан кўриб чиқиладиган масалалар ва болаларни ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш чора-тадбирлари;

туман (шаҳар) комиссиясининг болалар, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан таъсир кўрсатиш чоралари, қабул қиладиган қарорлари, уларнинг амал қилиш ҳамда уларни ижро этиш муддатлари.

3. Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари бир ой муддатда ушбу қарор билан тасдиқланган тегишли намунавий низомлар асосида ўз низомларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибиятига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 6 июль,
363-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 6 июлдаги 363-сон қарорига
1-ИЛОВА

Болалар масалалари бўйича миллий комиссия тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Болалар масалалари бўйича миллий комиссиянинг (кейинги ўринларда — Миллий комиссия) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Миллий комиссия давлат органлари ва ташкилотларининг, шунингдек, Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссияларининг (кейинги ўринларда — ҳудудий комиссиялар) болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи, ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи орган ҳисобланади.

3. Миллий комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

4. Миллий комиссия ўз ваколати доирасига кирувчи масалалар юзасидан фаолиятини ташкил этишда давлат органлари ва ташкилотларини, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

5. Миллий комиссиянинг қабул қилган қарорлари давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

2-боб. Миллий комиссиянинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қўйидагилар Миллий комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади: боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, унинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш;

болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига қўмаклашиш;

боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг олдини олиш чораларини кўриш;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактика-

си соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқилишини ҳамда амалга оширилишини, шунингдек, уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш;

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилатган чораларни баҳолаш, мониторинг олиб бориш ва самарадорлигини ошириш;

тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг, шунингдек, ҳудудий комиссияларнинг болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш.

Миллий комиссия қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7. Миллий комиссия ўзига юкланган асосий вазифалардан келиб чиқиб, қуйидаги функцияларни бажаради:

а) боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, унинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш соҳасида:

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишида давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

давлат органлари ва ташкилотлари, Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси ҳамда Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасалари (кейинги ўринларда — республика ўқув-тарбия муассасалари) ва жазони ижро этиш муассасаларининг фаолиятида болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлайди;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

фарзандликка олинган, васийлик, ҳомийлик белгиланган ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек, ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг турмуш шароитлари ва уларнинг тарбияланишини назорат қилади;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг уй-жой билан таъминланишини назорат қилади;

болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари билан боғлиқ муурожаатларни кўриб чиқади;

б) болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш соҳасида:

болаларнинг ҳар томонлама камол топишига муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларни мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал

таълим билан босқичма-босқич тўлиқ қамраб олиш, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар болаларига белгиланган имтиёзлар асосида таълим олиш чора-тадбирларини белгилайди;

болалар, айниқса етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўртасида уларнинг ижодий ва индивидуал салоҳиятларини оширишга қаратилган маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ўтказишга, болалар спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этилишини ташкил этади;

болаларни, айниқса олий таълим муассасаларига ўқишга кира олмаган ҳамда касб эгаллаш истагини билдирган умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарга ўқитишни ташкил этади;

янги уй-жой массивларини қуриш ва лойиҳалаштиришда ўйин ва спорт майдончалари, болалар стадионлари ва болалар дам олиш зоналари қуриш учун ер майдонлари ажратилишини назорат қилиб боради;

в) боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг олдини олиш чораларини кўриш соҳасида:

болаларнинг оилада тарбия олиши ва уларга зарур шароитлар яратиш чораларини кўради, уларни мустақил ҳаётга тайёрлашга оид ташаббусларни қўллаб-қувватлайди;

давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

ижтимоий етимликнинг олдини олади, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштиради, уларнинг жадал ижтимоий мослашуви учун кенг имкониятлар яратади;

болаларни оилада тарбиялаш шаклининг устуворлигини таъминлаш мақсадида ота-она қарамоғисиз қолган болаларга ғамхўрлик қилаётган шахсларни рағбатлантириш чораларини кўради;

г) болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқилишини ҳамда амалга оширилишини, шунингдек, уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш соҳасида:

болалар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларини кўради;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга васий ва ҳомий тайинлаш, фарзандликка бериш масалаларида давлат сиёсатини рўйбга чиқаришга доир чора-тадбирларни амалга оширади, шунингдек, уларнинг ижросини назорат қилади;

ўқув-тарбия муассасаларини тамомлаган етим болалар ва ота-онасининг

қарамовидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашади;

д) болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаяётган чораларни баҳолаш, мониторинг олиб бориш ва самарадорлигини ошириш соҳасида:

оилада тарбияланаётган етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланиши мониторинги олиб борилишини назорат қилади;

давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларининг, жумладан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятини ўрганади, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича таъсир чораларини кўллайди;

Миллий комиссия қарорлари ижросини таъминламаган ҳамда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолатлар бўйича уларни бартараф этиш чораларини кўрмаган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан давлат органлари ва ташкилотларига, жумладан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдимнома киритади;

ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган, шунингдек, таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз қатнашмаётган болаларнинг ҳисоби юритилишини назорат қилади, бундай ҳолатларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар беради;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ижобий иш тажрибасини ўрганади ҳамда оммалаштириш чораларини кўради;

е) тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш соҳасида:

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари таъминлаш, уларга васий ва ҳомий тайинлаш соҳасидаги тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлайди, уларни қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш, васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

ж) болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш соҳасида:

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотларни тўплайди, таҳлил қилади ҳамда улардан давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширишда фойдаланади;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикасига оид чора-тадбирларни амалга оширади, назоратсиз, ота-оналар қаровисиз қолган ҳамда муайян яшаш жойига эга бўлмаган болаларни аниқлаш ва уларни жойлаштириш билан боғлиқ масалаларни ўрганади ва уларни бар-тараф этиш чораларини кўради;

з) давлат органлари ва ташкилотларининг, шунингдек, ҳудудий комиссияларнинг болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

ҳудудий комиссияларининг йиллик иш режаларини келишади;

ҳудудий, туман (шаҳар) комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштиради ва таҳлил қилади, уларга ташкилий-методик жиҳатдан кўмаклашади;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари ходимларининг касбий маҳоратини оширишга оид чора-тадбирлар кўради;

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, васийлик ва ҳомийлик соҳасида давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик таъминланишини ташкил этади.

Миллий комиссия қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Миллий комиссиянинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

8. Миллий комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органлари ва ташкилотларидан Миллий комиссия иши учун зарур бўлган маълумотларни, шунингдек, Миллий комиссия қарорларида белгиланган чора-тадбирлар ижроси ҳақидаги маълумотларни сўраб олиш;

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги хабарлар юзасидан тегишли чоралар кўриш;

давлат органлари ва ташкилотларида, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида болаларни сақлаш, тарбиялаш ва ўқитиш шароитларини назорат қилиш;

болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг ўртасида қаровсизлик, назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига оид фаолият билан шуғулланадиган давлат органлари ва ташкилотларини ўрганиш;

Миллий комиссия фаолиятини ташкил этиш доирасида давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари ва мутахассисларини жалб қилиш;

Миллий комиссия йиғилишларида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг Миллий комиссия фаолиятига оид масалалар юзасидан ахборотларини эшитиш;

болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида давлат мактабдан ташқари таълим муассасаларида спорт ва ижодий тўғараклар ташкил этиш ҳамда болалар ушбу тўғаракларга белгиланган тартибда жалб этилишини назорат қилиш;

Миллий комиссия қарорлари ижросини таъминламаган ҳамда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари бўйича уларни бартараф этиш чораларини кўрмаган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан давлат органлари ва ташкилотларига тақдимнома киритиш.

Миллий комиссия қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Миллий комиссия:

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган таклифларни ва мурожаатларни кўриб чиқиши;

боланинг биринчи навбатдаги манфаатидан келиб чиқиб қарорлар қабул қилиши шарт.

Миллий комиссия қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

4-боб. Миллий комиссия фаолиятини ташкил этиш

10. Миллий комиссиянинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари ва Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмани) Миллий комиссиянинг ҳамраислари ҳисобланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шуъбаси Миллий комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

Давлат органлари ва ташкилотлари, ўқув-тарбия муассасалари, шунингдек, ҳудудий комиссияларнинг болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини ўрганиш ва текшириш Миллий комиссия ишчи органи билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

13. Миллий комиссия йиғилишлари ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади. Заруратга кўра, навбатдан ташқари йиғилишлар ташкил этилиши мумкин.

14. Миллий комиссия ҳамраиси:

Миллий комиссия фаолиятини ташкил этади;

Миллий комиссия иш режасини тасдиқлайди;

Миллий комиссия йиғилиши санасини белгилайди ва кун тартибини тасдиқлайди;

Миллий комиссия йиғилишларида навбатма-навбат раислик қилади;

Миллий комиссия ваколатига кирувчи масалалар бўйича комиссия аъзоларига ижро этиш мажбурий бўлган топшириқлар беради;

Миллий комиссиянинг фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ҳар йили бир мартаба ахборот беради.

15. Миллий комиссия раиси ўринбосари:

Миллий комиссия йиғилишларини ташкил этади ва унда кўриб чиқилган материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

Миллий комиссия иш режаси ва қарорларининг ижросини назорат қилади;

Миллий комиссия ҳамраислари йўқлигида уларнинг вазифаларини бажаради.

16. Миллий комиссия аъзолари Миллий комиссия ваколатига кирадиган масалаларни кўриб чиқишда ва муҳокама қилишда тенг ҳуқуққа эга ҳамда қўйидагиларни амалга оширади:

Миллий комиссия йиғилишларида ва уларни ташкил этишда иштирок этади;

Миллий комиссия йиғилишларида кўриб чиқилган масалалар билан олдиндан (йиғилишгача) танишади;

болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг ота-она қарамогидан маҳрум бўлишининг олдини олиш ҳамда улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига оид фаолият юзасидан Миллий комиссия йиғилишларида ахборот беради;

давлат органлари ва ташкилотларининг, шунингдек, ҳудудий комиссияларнинг болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти бўйича таклифлар беради;

Миллий комиссия ҳамраисининг топшириқларини бажаради.

17. Миллий комиссия аъзоси йиғилишда иштирок эта олмаса, кўрилаётган масала бўйича ўз фикрини олдиндан ёзма равишда тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Бунда унинг фикри Миллий комиссия йиғилишида таништирилади ва йиғилиш баённомасига илова қилинади.

18. Миллий комиссия қарорлари Миллий комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, Миллий комиссия ҳамраисидан бирининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

19. Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахслари Миллий комиссия қарорларини бажариш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Миллий комиссияга ўн беш кун муддатда хабар беради.

20. Миллий комиссия ҳар чорак якунлари бўйича ҳудудий комиссияларнинг ҳисоботларини эшитади.

Миллий комиссия фаолияти бўйича ҳисоботларнинг ўз вақтида тақдим этилиши ва ундаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун Миллий комиссия ҳамраислари шахсан жавобгар ҳисобланади.

21. Миллий комиссия ваколатига киритилган муҳим масалаларни самарали ва тезкор тартибда ҳал қилиш учун вақтинча ёки доимий ишловчи ишчи гуруҳлар тузилиши мумкин. Ишчи гуруҳлар Миллий комиссиянинг қарори билан тузилади.

Бунда ишчи гуруҳларга жалб қилинган ходимлар ўз фаолиятларини жамоатчилик асосида амалга оширади.

22. Вазирлар Маҳкамасининг Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шўъбаси масъул ходими Миллий комиссиянинг котиби саналади.

Миллий комиссия баённомалари ва қарорлари лойиҳалари Миллий комиссия котиби томонидан тайёрланади ва Миллий комиссия ҳамраисидан бири томонидан тасдиқланади.

23. Миллий комиссия ҳар йили ўз фаолияти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ахборот тақдим этади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

24. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

25. Миллий комиссияни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 6 июлдаги 363-сон қарорига
2-ИЛОВА

Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Намунавий низом Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари (кейинги ўринларда — ҳудудий комиссия) ҳамда Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиялари (кейинги ўринларда — туман (шаҳар) комиссияси)-нинг мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ҳудудий ва туман (шаҳар) комиссиялари ҳудудий давлат органлари ва ташкилотларининг болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи, ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи орган ҳисобланади.

3. Ҳудудий ва туман (шаҳар) комиссиялари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Болалар масалалари бўйича миллий комиссия (кейинги ўринларда — Миллий комиссия) қарорларига, ушбу Низом, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

4. Худудий ва туман (шаҳар) комиссиялари ўз ваколати доирасига кирувчи масалалар юзасидан ўз фаолиятини ташкил этишда тегишли давлат органлари ва ташкилотларини жалб қилиш ҳуқуқига эга.

5. Худудий ва туман (шаҳар) комиссияларининг қарорлари ҳудуддаги давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

2-боб. Худудий комиссиянинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар худудий комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклаш;

болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига қўмаклашиш;

боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг олдини олиш чораларини кўриш;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар амалга оширилишини ташкил этиш;

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг олиб бориш ва самарадорлигини ошириш;

тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида оид маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда маҳаллий давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш;

давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, туман (шаҳар) комиссияларининг болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш.

Худудий комиссия қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7. Қуйидагилар худудий комиссиянинг функциялари ҳисобланади:

а) боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклаш соҳасида:

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишида давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

давлат органлари ва ташкилотлари, Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси ҳамда Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасалари (кейинги ўринларда — республика ўқув-тарбия муассасалари) ва жазони ижро этиш муассасаларининг фаолиятида болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

фарзандликка олинган, васийлик, ҳомийлик белгиланган ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек, ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг турмуш шароитлари ва уларнинг тарбияланишини назорат қилади;

етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг уй-жой билан таъминланишини назорат қилади;

болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари билан боғлиқ муурожаатларни кўриб чиқади;

б) болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш соҳасида:

болаларнинг ҳар томонлама камол топишига муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларни мактабгача, умумий ўрта, ўрта-маҳсус ва профессионал таълим билан босқичма-босқич тўлиқ қамраб олиш, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар ва ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар болаларига белгиланган имтиёзлар асосида таълим олиш чора-тадбирларини белгилайди;

болалар, айниқса етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар ўртасида уларнинг ижодий ва индивидуал салоҳиятларини оширишга қаратилган маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ўтказиши, болалар спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этилишини ташкил этади;

болаларни, айниқса олий таълим муассасаларига ўқишга кира олмаган ҳамда касб эгаллаш истагини билдирган умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим муассасалари битирувчиларини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарга ўқитишни ташкил этади;

янги уй-жой массивларини қуриш ва лойиҳалаштиришда ўйин ва спорт майдончалари, болалар стадионлари ва болалар дам олиш зоналари қуриш учун ер майдонлари ажратилишини назорат қилиб боради;

в) боланинг ота-она қарамогидан маҳрум бўлишининг олдини олиш чораларини кўриш соҳасида:

болаларнинг оилада тарбия олиши ва уларга зарур шароитлар яратиш чораларини кўради, уларни мустақил ҳаётга тайёрлашга оид ташаббусларни қўллаб-қувватлайди;

давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

ижтимоий етимликнинг олдини олади, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг жадал ижтимоий мослашуви учун кенг имкониятлар яратади ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштиради;

болаларни оилада тарбиялаш шаклининг устуворлигини таъминлаш мақсадида ота-она қарамоғисиз қолган болаларга ғамхўрлик қилаётган шахсларни рағбатлантириш чораларини кўради;

г) болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар амалга оширилишини ташкил этиш соҳасида:

болалар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларини кўради;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга васий ва ҳомий тайинлаш, фарзандликка бериш масалаларида давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга доир чора-тадбирларни амалга оширади, шунингдек, уларнинг ижросини назорат қилади;

ўқув-тарбия муассасаларини тамомлаган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашади;

д) болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг олиб бориш ва самарадорлигини ошириш соҳасида:

оилада тарбияланаётган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланиши мониторинги олиб борилишини назорат қилади;

ҳудудий давлат органлари ва ташкилотларининг болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятини ўрганади, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича таъсир чораларини қўллайди;

ҳудудий комиссия қарорлари ижросини таъминламаган ҳамда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолатлар бўйича уларни бартараф этиш чораларини кўрмаган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ҳудудий давлат органлари ва ташкилотларига тақдимнома киритади;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган, шунингдек, таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз қатнашмаётган болаларнинг ҳисоби юритилишини назорат қилади, бундай ҳолатларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар беради;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ижобий иш тажрибасини ўрганади ҳамда оммалаштириш чораларини кўради;

е) тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш соҳасида:

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларга васий ва ҳомий тайинлаш соҳасидаги тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлайди, уларни қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

ж) болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда маҳаллий давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш соҳасида:

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотларни тўплайди, таҳлил қилади ҳамда улардан давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширишда фойдаланади;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикасига оид чора-тадбирларни амалга оширади, назоратсиз, ота-оналар қаровисиз қолган ҳамда муайян яшаш жойига эга бўлмаган болаларни аниқлаш ва уларни жойлаштириш билан боғлиқ масалаларни ўрганади ва уларни бартараф этиш чораларини кўради;

з) давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, туман (шаҳар) комиссияларининг болаларнинг ҳуқуқлари, эркинлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш соҳасида:

худудий комиссиянинг йиллик иш режасини ишлаб чиқади ва миллий комиссия билан келишган ҳолда тасдиқлайди, шунингдек, туман (шаҳар) комиссияларининг йиллик иш режаларини келишади;

туман (шаҳар) комиссияси фаолиятини мувофиқлаштиради ва таҳлил қилади, уларга ташкилий-методик жиҳатдан кўмаклашади;

туман (шаҳар) комиссиясининг қарорлари устидан келган шикоятларни ўрганади, ноқонуний ёки асоссиз қарорларни бекор қилади;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлайди;

туман (шаҳар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари мудирлари ва мутахассисларининг касбий маҳоратини оширишга оид чора-тадбирлар кўради;

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, васийлик ва ҳомийлик соҳасида давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат ноτιжорат ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик таъминланишини ташкил этади;

туман (шаҳар) ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари мудирилари ва мутахассисларининг салоҳияти ва тажрибасини оширишига оид чора-тадбирлар кўради.

Худудий комиссия қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Худудий комиссиянинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

8. Худудий комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органлари ва ташкилотларидан худудий комиссия иши учун зарур бўлган маълумотларни, шунингдек, миллий ва худудий комиссия қарорларида белгиланган чора-тадбирлар ижроси ҳақидаги маълумотларни сўраб олиш;

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги хабарлар юзасидан тегишли чоралар кўриш;

давлат органлари ва ташкилотларида болаларни сақлаш, тарбиялаш ва ўқитиш шароитларини ўрганиш ва назорат қилиш;

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг ўртасида қаровсизлик, назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига оид фаолият билан шуғулланидиган давлат органлари ва ташкилотларини ўрганиш;

худудий комиссия фаолиятига мансабдор шахсларни, мутахассисларни, давлат органлари ва ташкилотлари вакилларини ва бошқа шахсларни жалб қилиш;

худудий комиссия йиғилишларида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига оид масалалар юзасидан ахборотларини эшитиш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган таълим-тарбия муассасаларида, республика ўқув-тарбия муассасаларида, жазони ижро этиш муассасаларида ҳамда ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида сақланаётган болалар шароитларини, шунингдек, ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларидаги ишларнинг ҳолатини ўрганиш;

давлат органлари ва ташкилотларида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши, улар ўртасида назоратсизлик ва

хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш бўйича қарор қабул қилиш;

худудий комиссия қарорлари ижросини таъминламаган ҳамда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўрмаган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан давлат органлари ва ташкилотларига тақдимнома киритиш;

худудий комиссия томонидан кўриб чиқиладиган ишлар бўйича болалар, уларнинг қонуний вакилларини йиғилишга таклиф этиш, шунингдек, ишларнинг ҳолатини жойларга бориб кўриб чиқиш;

Худудий комиссия қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Худудий комиссия:

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган таклифларни ва мурожаатларни кўриб чиқиши;

боланинг энг устун манфаатидан келиб чиқиб қарорлар қабул қилиши;
Миллий комиссия қарорларини бажариши шарт.

Худудий комиссияга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

4-боб. Худудий комиссия фаолиятини ташкил этиш

10. Худудий комиссиянинг намунавий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тегишли худудий комиссиянинг раиси ҳисобланади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари худудий комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

13. Худудий комиссия йиғилишлари ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади. Заруратга кўра, навбатдан ташқари йиғилишлар ташкил этилиши мумкин.

14. Худудий комиссия раиси:

худудий комиссия йиғилиши санасини белгилайди ва кун тартибини тасдиқлайди;

худудий комиссия йиғилишида раислик қилади ва унинг ишини ташкил этади;

давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида худудий комиссия номидан иштирок этади;

худудий комиссия ваколатига кирувчи масалалар бўйича комиссия аъзоларига ижро этиш мажбурий бўлган топшириқлар беради;

худудий комиссиянинг фаолияти бўйича белгиланган ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди.

15. Худудий комиссия раиси ўринбосари:

худудий комиссия раиси топшириқларини бажаради;
худудий комиссия раиси йўқлигида унинг вазифаларини бажаради;
худудий комиссия иш режаси, қарорлари ва дастурлари ижро этилишини назорат қилади;

худудий комиссия йиғилишларида кўриб чиқиладиган материаллар ўз вақтида тайёрланишини назорат қилади.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари мудирлари худудий комиссиянинг котиби саналади.

17. Худудий комиссия котиби:

худудий комиссия йиғилишларида кўриб чиқиладиган материаллар тайёрланишини таъминлайди;

худудий комиссия раисининг топшириқларини бажаради;

худудий комиссия йиғилишида иштирок этувчи комиссия аъзолари ва шахсларни йиғилиш вақти ва куни ҳақида хабардор қилади, уларнинг ҳозирлигини текширади, комиссия йиғилишида кўриб чиқиладиган материаллар билан таништиради;

худудий комиссия йиғилишлари якуни бўйича баённомалар тузади, худудий комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорлар лойиҳасини тайёрлайди ва расмийлаштиради;

худудий комиссиянинг иш режаси ва дастурларига таклифларни умумлаштиради, комиссия қарорлари, иш режаси ва дастурларининг ижроси мониторингини олиб боради;

худудий комиссия фаолиятига оид иш юритиш ишларини амалга оширади;

худудий комиссия қарорлари нусхаси комиссия аъзоларига тақдим этилишини таъминлайди.

18. Худудий комиссия аъзолари комиссия ваколатига кирадиган масалаларни кўриб чиқишда ва муҳокама қилишда тенг ҳуқуққа эга ҳамда қуйидагиларни амалга оширади:

худудий комиссия йиғилишларида ва уларни ташкил этишда иштирок этади;

худудий комиссия йиғилишларида кўриб чиқиш учун тайёрланган иш материаллари билан олдиндан (йиғилишгача) танишади;

масалани (ишни) кўриб чиқишни қолдириш ва унга қўшимча материалларни сўраб олиш ҳақида таклиф беради;

болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича таклифлар беради;

комиссия аъзоси сифатида ўзининг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширади ва тегишли ҳисоботларни худудий комиссия котибига тақдим этиб боради.

19. Худудий комиссия аъзоси йиғилишда иштирок эта олмаса, кўрилатган масала бўйича ўз фикрини олдиндан ёзма равишда тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Бунда унинг фикри комиссия йиғилишида таништирилади ва йиғилиш баённомасига илова қилинади.

20. Худудий комиссия қарорлари комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Худудий комиссия қарорлари худудий комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

21. Давлат органлари ва ташкилотларининг худудий бўлинмалари мансабдор шахслари худудий комиссия қарорларини бажариш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида худудий комиссияга ахборот беради.

22. Худудий комиссия томонидан унинг ваколатига киритилган муҳим масалаларни самарали ва тезкор тартибда ҳал қилиш учун вақтинча ёки доимий ишловчи ишчи гуруҳлар тузилиши мумкин.

Ишчи гуруҳлар худудий комиссиянинг раиси томонидан тасдиқланади. Бунда ишчи гуруҳларга жалб қилинган ходимлар ўз фаолиятларини жамоатчилик асосида амалга оширади.

23. Худудий комиссия ўз фаолияти тўғрисида ҳар чорак якунлари бўйича Миллий комиссияга ҳисобот бериб боради.

Худудий комиссия фаолияти бўйича ҳисоботларнинг ўз вақтида тақдим этилиши ва ундаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун худудий комиссия раиси шахсан жавобгар ҳисобланади.

24. Худудий комиссия ҳар чоракда ўз фаолияти юзасидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига ахборот тақдим этиб боради.

5-боб. Туман (шаҳар) комиссияси фаолиятини ташкил этиш

25. Туман (шаҳар) комиссиясининг намунавий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

26. Туман (шаҳар) ҳокими туман (шаҳар) комиссияси раиси ҳисобланади.

27. Туман (шаҳар) ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси туман (шаҳар) комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

28. Туман (шаҳар) комиссияси йиғилишлари ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади. Заруратга кўра, навбатдан ташқари йиғилишлар ташкил этилиши мумкин.

29. Туман (шаҳар) комиссияси раиси:

туман (шаҳар) комиссияси йиғилишида раислик қилади ва унинг ишини ташкил этади;

давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида туман (шаҳар) комиссияси номидан иштирок этади;

туман (шаҳар) комиссияси йиғилиши санасини белгилайди ва кун тартибини тасдиқлайди;

туман (шаҳар) комиссияси ваколатига кирувчи масалалар бўйича комиссия аъзоларига ижро этилиши мажбурий бўлган топшириқлар беради.

30. Туман (шаҳар) комиссияси раиси ўринбосари:
туман (шаҳар) комиссияси раиси топшириқларини бажаради;
туман (шаҳар) комиссияси раиси йўқлигида унинг вазифаларини бажаради;
туман (шаҳар) комиссияси иш режаси, қарорлари ва дастурлари ижро этилишини назорат қилади;
туман (шаҳар) комиссияси йиғилишларида кўриб чиқиладиган материалларнинг ўз вақтида тайёрланишини назорат қилади.
31. Туман (шаҳар) ҳокимлиги Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси мудирини туман (шаҳар) комиссиясининг котиби саналади.
32. Туман (шаҳар) комиссияси масъул котиби:
туман (шаҳар) комиссияси йиғилишларида кўриб чиқиладиган материалларнинг тайёрланишини таъминлайди;
туман (шаҳар) комиссияси раисининг топшириқларини бажаради;
туман (шаҳар) комиссияси йиғилишида иштирок этувчи комиссия аъзолари ва шахсларни йиғилиш вақти ва куни ҳақида хабардор қилади, уларнинг ҳозирлигини ўрғанади, комиссия йиғилишида кўриб чиқиладиган материаллар билан таништиради;
туман (шаҳар) комиссияси йиғилишлари якуни бўйича баённомалар тузади, туман (шаҳар) комиссияси қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди ва расмийлаштиради;
туман (шаҳар) комиссиясининг таклифларини умумлаштиради, комиссия қарорлари, иш режалари ва дастурларининг ижроси мониторингини олиб боради;
туман (шаҳар) комиссияси фаолиятига оид иш юритиш ишларини амалга оширади;
туман (шаҳар) комиссияси қарорлари нусхаси комиссия аъзоларига тақдим этилишини таъминлайди.
33. Туман (шаҳар) комиссияси аъзолари комиссия ваколатига кирадиган масалаларни кўриб чиқишда ва муҳокама қилишда тенг ҳуқуққа эга ҳамда қўйидагиларни амалга оширади:
туман (шаҳар) комиссияси йиғилишларида ва уларни ташкил этишда иштирок этади;
туман (шаҳар) комиссияси йиғилишларида кўриб чиқиш учун тайёрланган иш материаллари билан олдиндан (йиғилишгача) танишади;
масалани (ишни) кўриб чиқишни қолдириш ва унга қўшимча материалларни сўраб олиш ҳақида таклиф беради;
болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича таклифлар беради;
- Миллий комиссия, ҳудудий комиссия ва туман (шаҳар) комиссияси топшириқларини бажаради;
комиссия аъзоси сифатида ўзининг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширади ва тегишли ҳисоботларни туман (шаҳар) комиссияси котибига тақдим этиб боради.

34. Туман (шаҳар) комиссияси аъзоси йиғилишда иштирок эта олмаса, кўрилатган масала бўйича ўз фикрини олдиндан ёзма равишда тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Бунда унинг фикри комиссия йиғилишида таништирилади ва йиғилиш баённомасига илова қилинади.

35. Туман (шаҳар) комиссияси қарорлари комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Туман (шаҳар) комиссияси қарорлари туман (шаҳар) комиссияси раиси томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

36. Туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари туман (шаҳар) комиссияси қарорларини бажариш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида туман (шаҳар) комиссиясига ахборот беради.

37. Туман (шаҳар) комиссияси томонидан унинг ваколатига киритилган муҳим масалаларни самарали ва тезкор тартибда ҳал қилиш учун вақтинча ёки доимий ишловчи ишчи гуруҳлар тузилиши мумкин.

Ишчи гуруҳлар туман (шаҳар) комиссияларининг раиси томонидан тасдиқланади. Бунда ишчи гуруҳларга жалб қилинган ходимлар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

38. Туман (шаҳар) комиссияси ўз фаолияти тўғрисида ҳар чорак якунлари бўйича ҳудудий комиссияга ҳисобот бериб боради.

Туман (шаҳар) комиссияси фаолияти бўйича ҳисоботларнинг ўз вақтида тақдим этилиши ва ундаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун туман (шаҳар) комиссияси раиси шахсан жавобгар ҳисобланади.

39. Туман (шаҳар) комиссияси ҳар чоракда ўз фаолияти юзасидан тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига ахборот тақдим этиб боради.

1-§. Туман (шаҳар) комиссиясининг асосий вазифалари ва функциялари

40. Қуйидагилар туман (шаҳар) комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклаш;

болаларнинг таълим олиши, жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш;

боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг олдини олиш ҳамда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни муқобил шаклда жойлаштириш чораларини кўриш;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар амалга оширилишини ташкил этиш;

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг олиб бориш ва самарадорлигини ошириш;

тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг болаларнинг ҳуқуқлари, эркинлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш.

Туман (шаҳар) комиссияси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

41. Қуйидагилар туман (шаҳар) комиссиясининг функциялари ҳисобланади:

а) боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклаш соҳасида:

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишида давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини, маҳаллий давлат органлари ва ташкилотлари, ўқув-тарбия муассасалари фаолиятида бола ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлайди;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган болаларни ташхислаш, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни, устувор равишда болаларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этади;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш ишларини ташкил қилади, инклюзив таълимга жалб қилади;

фарзандликка олинган, васийлик, ҳомийлик белгиланган ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек, ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг турмуш шароитлари ва таълим-тарбиясини ўрганади;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш чораларини кўради;

«Меҳр дафтари» тизими доирасида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг муаммоларини ўрганади ҳамда ҳал этади, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш чораларини кўради;

болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари билан боғлиқ муурожаатларни кўриб чиқади;

б) болаларнинг таълим олиши, жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш соҳасида:

болаларнинг ҳар томонлама камол топишига муносиб шарт-шароитлар яратишни, уларни мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим билан босқичма-босқич тўлиқ камраб олишни, оилага тарбияга олинган болалар ва ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар болалари белги-ланган имтиёзлар асосида таълим олишини таъминлайди;

болалар, айниқса етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўртасида уларнинг ижодий ва индивидуал салоҳиятларини оширишга қаратилган маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ўтказиши, болалар спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этилишини ташкил этади;

болаларни, айниқса олий таълим муассасаларига ўқишга кира олмаган ҳамда касб эгаллаш истагини билдирган умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарга ўқитишни ташкил этади;

янги уй-жой массивларини қуриш ва лойиҳалаштиришда ўйин ва спорт майдончалари, болалар стадионлари ва болалар дам олиш зоналари қуриш учун ер майдонлари ажратилишини назорат қилиб боради;

махаллий давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг болаларни тарбиялаш, уларни жойлаштириш, саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

болалар, педагогик жамоалар ва жамоатчилик ўртасида ҳуқуқий тарғиботни амалга оширади;

в) боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг олдини олиш ҳамда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни муқобил шаклда жойлаштириш чораларини кўриш соҳасида:

болаларнинг оилада тарбия олиши ва уларга зарур шароитлар яратиш чораларини кўради, уларни мустақил ҳаётга тайёрлашга оид ташаббусларни амалга оширади;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёки республика ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган болаларни ишга жойлаштиришга ва уларнинг маиший яшаш шароитларини яхшилашга, давлат томонидан ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган болаларни жойлаштириш шакллари аниқлашга ёрдам беради;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка, васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олаётган (патронат) ва тарбия қилаётган, шунингдек, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган оилаларни моддий, ҳуқуқий ва психологик-педагогик қўллаб-қувватлайди;

ўқув-тарбия муассасаларининг тарбияланувчиларини ота-онаси ёки

уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариш, васий ёки ҳомий тайинлаш, фарзандликка бериш ва жойлаштиришнинг бошқа шакллари қўллайди;

болаларни оилада тарбиялаш шаклининг устуворлигини таъминлаш мақсадида ота-она қарамоғисиз қолган болаларга ғамхўрлик қилаётган шахсларни рағбатлантириш чораларини кўради;

г) болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар амалга оширилишини ташкил этиш соҳасида:

болалар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларини кўради;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга васий ва ҳомий тайинлаш, фарзандликка бериш масалаларида давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ўқув-тарбия муассасаларини тамомлаган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этади ва бандлигини таъминлаш чораларини кўради;

назоратсиз, ота-оналар қаровисиз қолган ҳамда муайян яшаш жойига эга бўлмаган болаларни аниқлайди ва уларни жойлаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотларни тўплайди, таҳлил қилади ҳамда улардан давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширишда фойдаланади;

д) болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг олиб бориш ва самарадорлигини ошириш соҳасида:

оилада тарбияланаётган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини ўрганади;

туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятини ўрганади, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича таъсир чораларини қўллайди;

миллий, ҳудудий ва туман (шаҳар) комиссиялари қарорлари ижросини таъминламаган ҳамда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўрмаган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларига тақдимнома киритади;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган, шунингдек, таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз қатнашмаётган болаларнинг ҳисоби юритилишини назорат қилади, бундай ҳолатларни бартараф этади;

болалар, уларнинг ота-оналари ёки қонуний вакилларига нисбатан таъсир кўрсатиш чораларини қўллайди;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ижобий иш тажрибани ўрганади ҳамда оммалаштиради;

е) тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш соҳасида:

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларга васий ва ҳомий тайинлаш соҳасидаги тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлайди, уларни қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва ҳудудий комиссияга такдим этади;

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

ж) болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш соҳасида:

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ишларини амалга оширади;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикасига оид чора-тадбирларни амалга оширади, назоратсиз, ота-оналар қаровисиз қолган ҳамда муайян яшаш жойига эга бўлмаган болаларни аниқлаш ва уларни жойлаштириш билан боғлиқ масалаларни ўрганади ва уларни бартараф этиш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ комиссиялар ваколатига киритилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади;

з) давлат органлари ва ташкилотларининг болаларнинг ҳуқуқлари, эркинлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш соҳасида:

туман (шаҳар) комиссиясининг йиллик иш режасини ишлаб чиқади ва ҳудудий комиссия билан келишган ҳолда тасдиқлайди;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлайди;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар уй-жой билан таъминланишини ташкил этади;

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда васийлик ва ҳомийлик соҳасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бош-

қариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Туман (шаҳар) комиссияси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

2-§. Туман (шаҳар) комиссиясининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

42. Туман (шаҳар) комиссияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органлари ва ташкилотларидан туман (шаҳар) комиссияси иши учун зарур бўлган маълумотларни, шунингдек, миллий, ҳудудий ва туман (шаҳар) комиссиялари қарорларида белгиланган чора-тадбирлар ижроси ҳақидаги маълумотларни сўраб олиш;

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги хабарлар юзасидан тегишли чоралар кўриш;

давлат органлари ва ташкилотларида болаларни сақлаш, тарбиялаш ва ўқитиш шароитларини ўрганиш ва назорат қилиш;

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг ўртасида қаровсизлик, назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига оид фаолият билан шуғулланадиган давлат органлари ва ташкилотларини ўрганиш;

туман (шаҳар) комиссияси фаолиятига давлат органлари ва ташкилотлари вакилларини ва бошқа шахсларни жалб қилиш;

болага нисбатан жамоат тарбиячисини тайинлаш;

туман (шаҳар) комиссияси йиғилишларида болалар билан ишлайдиган ташкилотлар раҳбарларининг болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига оид масалалар юзасидан ахборотини эшитиш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган таълим-тарбия муассасаларида, республика ўқув-тарбия муассасаларида, жазони ижро этиш муассасаларида ҳамда ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида сақланаётган болалар шароитларини, шунингдек, ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларидаги ишларнинг ҳолатини ўрганиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш, уларни ўқишга юбориш ва ишга жойлаштириш масалалари юзасидан қарор қабул қилиш;

туман (шаҳар) комиссияси қарорлари ижросини таъминламаган ҳамда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўрмаган мансабдор шахсларни

жавобгарликка тортиш юзасидан давлат органлари ва ташкилотларига тақдимнома киритиш;

туман (шаҳар) комиссияси томонидан кўриб чиқиладиган ишлар бўйича болалар, уларнинг қонуний вакилларини йиғилишга таклиф этиш, шунингдек, ишларни жойларга бориб кўриб чиқиш;

болалар масалаларига оид ишларни заруратга кўра болаларнинг онаналари ва бошқа қонуний вакиллари иштирокисиз кўриб чиқиш;

ўз ташаббуси, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра, болаларни республика ўқув-тарбия муассасасидан муддатидан аввал чиқариш масаласини кўриб чиқиш;

болаларни афв этиш тўғрисида илтимос қилиш, уларни жавобгарликдан озод қилиш, уларга анча енгилроқ бўлган жазони қўллаш, уларни шартли равишда ҳукм этиш, судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисидаги тавсияномалар билан жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига мурожаат қилиш;

жазони ижро этиш муассасаси билан биргаликда болаларни жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига тақдимномалар киритиш;

ички ишлар органлари билан биргаликда озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги ҳукмнинг ижросини кечиктиришни бекор қилиш ҳамда маҳрумни ҳукмда белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ учун юбориш тўғрисида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиш;

жазони ижро этиш муассасасининг маъмуриятига озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташ вақтида сақлаб туриш шароитларини ўзгартириш ҳақида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиш.

Туман (шаҳар) комиссиясига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

43. Туман (шаҳар) комиссияси:

туман (шаҳар) комиссияси йиғилишида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган масалаларни муҳокама қилишда комиссия аъзоларининг фикрларини эшитиши;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган таклифларни ва мурожаатларни кўриб чиқиши;

боланинг энг устун манфаатидан келиб чиқиб қарорлар қабул қилиши; Миллий комиссия ва ҳудудий комиссия қарорларини бажариши шарт.

Туман (шаҳар) комиссиясига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

3-§. Туман (шаҳар) комиссиясининг назорат функциялари

44. Туман (шаҳар) комиссияси ички ишлар органлари билан биргаликда

тарбиявий таъсир қилиш ёки маъмурий жазолаш чоралари кўрилган, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган, жазога шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан олдин шартли равишда озод қилинган, республика ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган ёки жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаган болаларнинг хулқ-атворини кузатиб боришни ташкил этади, шунингдек, ушбу тоифадаги болаларнинг ҳисобини олиб боради.

Зарур ҳолларда, болаларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш ёки уларни таълим муассасаларига юбориш чора-тадбирларини кўради.

45. Туман (шаҳар) комиссияси болаларни республика ўқув-тарбия муассасаларида ҳамда етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган таълим муассасаларида сақлаш, тарбиялаш ва таълим олиш шароитлари, болаларнинг истиқомат жойларида маданий дам олишлари уюштирилиши, шунингдек, зарур ҳолларда, умумтаълим мактабларида, бошқа таълим муассасаларида, маданий-маърифий муассасалар ва спорт ташкилотларида болалар билан тарбиявий ишлар олиб борилиши юзасидан назоратни амалга оширади.

Болани хорижий давлатдаги таълим муассасасига ўтказиш муносабати билан умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасасидан чиқариш фақат таълим муассасаси жойлашган туман (шаҳар) комиссиясининг розилиги билан амалга оширилади.

46. Туман (шаҳар) комиссиялари давлат органлари ва ташкилотларида болаларга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя қилинаётганлиги, улар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг аҳволи, уларнинг умумтаълим, маданий ва касбий даражасини ошириш учун зарур моддий-маиший шароитлар яратиб берилганлиги юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда назоратни амалга оширади.

Туман (шаҳар) комиссиялари, агар ишларни давом эттириш болаларнинг соғлиғига хавф соладиган ёки улар учун бошқача зиён келтирадиган бўлса, болалар ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир.

4-§. Болаларни жойлаштириш чора-тадбирлари

47. Туман (шаҳар) комиссиялари таълим, меҳнат, соғлиқни сақлаш, ички ишлар органлари билан биргаликда жамоатчиликнинг фаол иштирокида етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилалар фарзандларини, таълим муассасаларида машғулотларга узрли сабабсиз мунтазам бормайдиган болаларни, шунингдек, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган бошқа болаларни аниқлайди ва ҳисобга кўяди ҳамда уларни жойлаштириш чора-тадбирларини кўради.

48. Туман (шаҳар) комиссиясининг болаларни муқобил жойлаштириш шакли кўрсатилган қарорлари:

а) таълим ташкилотларига:

болаларни мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус таълим ҳамда профессионал таълим муассасаларига жойлаштириш учун;

жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки рухий нуқсонлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ҳамда республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш учун;

б) туман (шаҳар) хокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаларига — етим болалар ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш учун;

в) соғлиқни сақлаш органларига — ногирон болаларни жойлаштириш, спиртли ичимликлар, гиёҳванд воситалар, психотроп ёки интеллектуал ўзини идора қилиш фаолиятига таъсир этадиган бошқа моддаларни мунтазам истеъмол қиладиган болаларни даволашни, ривожланишида ёки хулқ-атворида нуқсонлари бўлган болаларга ихтисослаштирилган диагностика ва даволаш-тиклаш ёрдами кўрсатишни ташкил этиш учун;

г) ички ишлар органларига — болалар ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилалар билан якка тартибда профилактика ишлари олиб боришни ташкил этиш учун;

д) ташкилотларнинг раҳбарларига (меҳнат органларидан бўш иш жойлари ва бўш лавозимлар борлиги тўғрисида маълумотлар олингандан кейин) — ишга қабул қилиш учун юборилади.

5-§. Туман (шаҳар) комиссиялари томонидан кўриб чиқиладиган ишлар

49. Туман (шаҳар) комиссиялари:

ўн тўрт ёшга тўлмасдан ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган (ўн уч ёшга тўлгандан кейин оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдирган вояга етмаганлар бундан мустасно);

ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган даврда жинойий жавобгарлик назарда тутилмаган ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган;

ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган даврда жиноят аломатлари бўлган қилмишлар содир этган, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатиш рад қилинган ёки жиноят иши тугатилган;

ўн олти ёшгача бўлган даврда йўл ҳаракати қоидаларини бузган;

бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган;

умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида ўқишдан бош тортган;

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этганлиги учун қонунчиликка асосан жавобгарликдан озод қилинган;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига назарда тутилган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган болалар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

6-§. Таъсир кўрсатиш чоралари ва уларни қўллаш

50. Туман (шаҳар) комиссиялари ушбу Низомнинг 49-бандида тутил-

ган ҳолларда болаларга нисбатан куйидаги таъсир кўрсатиш чораларини қўллаши мумкин:

болага жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш тўғрисида туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиш;

боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни огоҳлантириш;

болани ўз ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёхуд жамоат тарбиячилари назоратига, шунингдек, уларнинг розилиги билан меҳнат жамоаси ёки нодавлат нотижорат ташкилот кузатувиغا топшириш;

ўн беш ёшга тўлган бола зиммасига, агар у мустақил иш ҳақиға эға бўлса ва зарар миқдори белгиланган базавий ҳисоблаш миқдоридан ортиқ бўлмаса етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки уни бартараф этиш мажбуриятини юклаш ёки белгиланган базавий ҳисоблаш миқдоридан ортиқ бўлмаган моддий зарарни ўз меҳнати билан қоплаш мажбуриятини юклаш тўғрисида туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиш;

ўн олти ёшга тўлган ва мустақил иш ҳақиға эға бўлган болаларға Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган ҳолларда ва миқдорларда жарима солиш;

болани қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома юбориш.

Ҳар бир аниқ ҳолат бўйича қабул қилинган таъсир кўрсатиш чоралари тўғрисида туман (шаҳар) комиссиялари боланинг яшаш, ўқиш ёки иш жойи бўйича ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари томонидан вояға етмаганлар ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда яққа тартибда профилактика ишларини олиб бориш масаласини ҳал этиш учун тегишли ҳудудий ички ишлар органларига хабарнома юборишға мажбур.

51. Туман (шаҳар) комиссиялари болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларға нисбатан болани сақлаш, тарбиялаш ва ўқитиш бўйича ўз вазифаларини бажаришдан бош тортганлиги ёки ўз вазифаларини зарур даражада бажармаганлиги ёхуд болаларнинг хулқ-атвориға салбий таъсир кўрсатганлиги ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлганлиги учун, шунингдек, болалар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги учун куйидаги таъсир кўрсатиш чораларини қўллаши мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган миқдорларда жарима солиш;

истисно ҳолларда, боланинг ҳаётиға ёки соғлиғиға бевосита хавф мажбур бўлганда иш суд томонидан ҳал этилгунға қадар болани вақтинча ота-онасидан ёки бола уларнинг васийлигида бўлган бошқа шахслардан олиб қўйиш тўғрисида васийлик ва ҳомийлик органларига илтимоснома киритиш;

боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни огоҳлантириш.

Туман (шаҳар) комиссиялари ота-оналарнинг муомала лаёқатини чек-

ланган деб топиш, уларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш, болаларни ота-оналаридан уларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этмасдан олиб қўйиш, шунингдек, агар болаларнинг ота-оналари ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса ва болалари билан биргаликда яшашлари мумкин эмас деб топилса, уларни бошқа турар жой бермасдан кўчириб юбориш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига даъво билан мурожаат қилиши мумкин.

52. Болаларни республика ўқув-тарбия муассасаларига юбориш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда туман (шаҳар) комиссиясининг илтимосномаси асосида чиқарилган жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг ажрими бўйича амалга оширади.

53. Туман (шаҳар) комиссиялари ўз болаларини тарбиялашга нотўғри муносабатда бўлаётган ёки комиссия чиқарган қарорнинг бажарилишига тўсқинлик қилаётган ота-оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш ҳақида, шунингдек, болаларнинг ҳуқуқбузарлик содир этиши учун шароит яратиб бераётган ёхуд вояга етмаганларни жиноят ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар қилишга ундаётган ёки жалб этаётган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли давлат органларига тақдимнома киритади.

54. Ушбу Низомнинг 50-бандида назарда тутилган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилаётганда туман (шаҳар) комиссияси ҳуқуқбузарликнинг хусусияти, даражаси ва сабабларини, боланинг ёшини ва унинг ҳаёт шароитларини, унинг ҳуқуқбузарлик қилишда қай даражада иштирок этганлигини, шунингдек, унинг турмушидаги, таълим муассасасидаги ва ишдаги ҳуқуқ-аъвоқдорлигини албатта ҳисобга олиши лозим.

Туман (шаҳар) комиссиясининг огоҳлантириш бериш тўғрисидаги қарори бир йил мобайнида амал қилади. Агар ушбу муддат ичида янги ҳуқуқбузарлик содир этилмаса, таъсир кўрсатиш чораси тугалланган ҳисобланади. Намунали ахлоқи билан ижобий натижа кўрсатган болалар ёки унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларига нисбатан ушбу таъсир кўрсатиш чораси бир йил ўтмасдан ҳам бекор қилиниши мумкин.

Туман (шаҳар) комиссиясининг болани ўз ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёхуд жамоат тарбиячилари назоратига ёки меҳнат жамоаси, нодавлат нотижорат ташкилот кузатувиغا топшириш тўғрисидаги қарорининг амал қилиш муддати, агар бола ўзининг намунали ахлоқи ва ишга ҳамда ўқишга бўлган ҳалол муносабати билан ўзининг тузалганлигини исботласа, мазкур шахслар ёки ташкилотлар илтимосномасига биноан исталган вақтда бекор қилиниши мумкин.

Белгиланган таъсир кўрсатиш чораси натижа бермаган тақдирда, туман (шаҳар) комиссияси ушбу Низомнинг 50 ва 51-бандларида кўрсатилган таъсир кўрсатиш чораларидан қаттиқроқ чора қўллашга ҳақлидир.

55. Туман (шаҳар) комиссиясининг жарима солиш тўғрисидаги қарори шу қарор топширилган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида ана шундай жарима солинган шахс томонидан тўланиши лозим, бундай қарор ус-тидан шикоят ёки протест берилган тақдирда эса, мазкур шикоят ёки про-

тест қондирилмаганлиги ҳақида маълумотнома олинган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланади.

Туман (шаҳар) комиссиясининг қарори билан солинган жарима тегишли банк муассасасига тўланади.

Жарима муддатида тўланмаган тақдирда, туман (шаҳар) комиссиясининг жарима солиш тўғрисидаги қарори жарима суммасини суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга мувофиқ жарима солинган шахснинг иш ҳақидан ёки бошқа маошидан, пенсияси ёки стипендиясидан мажбурий тартибда ушлаб қолиш учун юборилади.

Агар жарима солинган шахс ишламаётган бўлса ёки солинган жаримани бошқа сабабларга кўра унинг иш ҳақидан ёки бошқа маошидан, пенсияси ёки стипендиясидан ундириб олишнинг иложи бўлмаса, жарима туман (шаҳар) комиссиясининг жарима солиш тўғрисидаги қарори асосида ундирувчи ҳуқуқбузарнинг мол-мулкига, шунингдек, унинг умумий мулкдаги улушига қаратиш йўли билан суд ижрочиси томонидан ундириб олинади.

56. Агар болани республика ўқув-тарбия муассасасидан, етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун мўлжалланган таълим муассасасидан чиқарилганидан кейин, уни ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қонунда белгиланган тартибда ота-оналик ёки васийлик ҳуқуқларидан маҳрум этилганлиги туфайли улар ҳузурига юбориш мумкин бўлмаса, шунингдек, унинг аввалги истиқомат жойига келиши бир қанча сабабларга кўра (ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар йўқлиги, турмуши ва меҳнат қилиши ҳамда бундан кейин тарбияланиши учун қулай шароитлар йўқлиги сабабли) мумкин бўлмаса, ушбу муассаса жойлашган жойдаги туман (шаҳар) комиссияси болани мазкур шахснинг маиший яшаш шароитини яхшилаш, уни ўқиш ёки ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўради.

Ушбу масалаларни ҳал қилишда мазкур бандда кўрсатилган муассасалар жойлашган жойдаги туман (шаҳар) комиссияси бола илгари яшаб келган жойдаги ёки унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар турган жойдаги комиссиянинг тегишли ҳулосасини олиши лозим.

57. Жазони ижро этиш муассасасидан озод бўлган бола истиқомат қилаётган жойдаги туман (шаҳар) комиссияси у ўн саккиз ёшга етгунгача уни ишга ёки ўқишга жойлаштириш чораларини кўради ва унинг ахлоқини назорат қилиб боради.

Жазони ижро этиш муассасасидан озод бўлган боланинг ўз ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар ҳузурига қайтишига уларнинг йўқлиги ёхуд ота-оналик ҳуқуқидан ёки васийлик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги муносабати билан имкони бўлмаса, озод бўлган боланинг илгари яшаб келган жойдаги туман (шаҳар) комиссияси жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига биноан уни ихтисосига мувофиқ келадиган ишга ёки ўқишга жойлаштириш, шунингдек, унга тегишли уй-жой-маиший шароитлар яратиш чора-тадбирларини кўради.

Туман (шаҳар) комиссияси жазони ижро этиш муассасасидан озод

бўлган болани у ёрдам сўраб мурожаат қилган кундан бошлаб ўн кун муддатдан кечиктирмай жойлаштириш масаласини ҳал қилиши шарт.

6-боб. Худудий ва туман (шаҳар) комиссиялари томонидан ишларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш

58. Худудий ва туман (шаҳар) комиссиялари:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган тартибда топширилган ишларни;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни;

болалар, уларнинг ота-онаси ёки қонуний вакилларининг шикоятларини;

болалар билан ишлайдиган ташкилотлар тақдимномаси бўйича берилган ишларни;

фуқароларнинг аризалари бўйича кўриладиган ишларни;

ўз ташаббуси билан кўриладиган ишларни кўриб чиқади.

Худудий ва туман (шаҳар) комиссиялари ишларни улар комиссияга тушган пайтдан бошлаб кўпи билан ўн кун муддатда кўриб чиқади.

59. Болаларнинг ҳуқуқбузарликлари тўғрисидаги туман (шаҳар) комиссияси кўриб чиқиши лозим бўлган материаллар комиссиянинг раиси, унинг ўринбосари ҳамда комиссия аъзолари томонидан олдиндан ўрганиб чиқилади ва раис томонидан:

ишни комиссия мажлисида кўриб чиқиш;

ишга оид материалларни қўшимча равишда текшириш ёки тушган аризалар, тақдимномалар бўйича текшириб чиқиш хусусида қарор қабул қилинади.

60. Ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш худудий, туман (шаҳар) комиссияда (ёки судда) кўриб чиқилгунга қадар:

бола ўз ота-онаси ёки қонуний вакиллари назоратига;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасаларида ёки республика ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган бола эса — шу муассасалар маъмуриятининг назоратига берилиши мумкин.

Иши худудий, туман (шаҳар) комиссиясида кўриб чиқилаётган боланинг рухий жиҳатдан соғлом эканлигига шубҳа туғилган тақдирда, у тиббиёт текширувидан ўтиш учун юборилади.

61. Худудий, туман (шаҳар) комиссиялари ишларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш пайтида боланинг ёшини, машғулотини, яшаб турган ва тарбияланаётган шароитини, ҳуқуқбузарлик қилганлиги фактини ва унинг мазмунини тасдиқловчи маълумотларни, ҳуқуқбузарлик қилишга даъват этган катта ёшдаги кишилар ва бошқа қатнашчилар бўлган-бўлмаганлигини, болага илгари таъсир кўрсатиш чораси қўлланилган-қўлланилмаганлигини аниқлаши зарур.

62. Худудий, туман (шаҳар) комиссиялари зарур маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиб олиши, шунингдек, комиссияда кўриладиган масалалар

юзасидан изоҳлар олиш учун мансабдор шахслар ва фуқароларни чақириши мумкин.

Мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳудудий, туман (шаҳар) комиссиялари чақириғи бўйича узрсиз сабаблар билан келмаган тақдирда, комиссия ишни кўриб чиқишни колдириши, уларни ишлаётган ёки ўқиётган жойидаги маъмурият, нодавлат нотижорат ташкилотлар орқали келтиришни таъминлаш чораларини кўриши мумкин.

Иши кўрилатган бола, шунингдек, унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар комиссия мажлисига узрсиз сабаблар билан келишдан бош тортган тақдирда, улар ички ишлар органлари орқали ҳудудий, туман (шаҳар) комиссиясининг асосланган қарори бўйича олиб келиниши мумкин.

63. Иш кўришга тайёр деб топилгач, шу ишни тайёрлаш вазифаси топширилган ҳудудий, туман (шаҳар) комиссияси раиси, раис ўринбосари ёки аъзоси иш кўриб чиқилишидан олдин болани, унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни, зарур ҳолларда эса таълим муассасаларининг вакиллари ҳам барча материаллар билан таништириб чиқади, комиссия мажлисига кимларни чақириш кераклигини аниқлаб олади ҳамда иш кўриладиган вақт ва жойни белгилайди.

Ҳудудий, туман (шаҳар) комиссияси мажлиси бўладиган вақт ва жой ҳақида ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларга маълум қилинади.

64. Ҳудудий, туман (шаҳар) комиссияларининг мажлиси комиссия таркибининг ярмидан кўпи йиғилганда ҳақиқий ҳисобланади.

65. Ҳудудий, туман (шаҳар) комиссияларининг мажлисида иши кўрилатган болалар, уларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, ҳимоячиси, зарур ҳолларда эса у таълим-тарбия олаётган муассаса психологи бўлиши шарт.

Ҳукм этилган болаларни жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш, уларга тайинланган жазони енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисидаги жинойт ишлари бўйича туман (шаҳар) судига илтимосномаларни ва маҳкумлар хусусидаги бошқа илтимосномаларни кўриб чиқишда комиссия мажлисида жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг вакили ва маҳкумнинг ўзи ҳозир бўлиши шарт.

Агар ҳолатларни текшириб чиқиш ва муҳокама қилиш болага салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, комиссия материалларни мажлисда боланинг иштирокисиз кўриб чиқишга ҳақлидир.

66. Ҳудудий, туман (шаҳар) комиссиялари болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлари тўғрисидаги ўзларига тегишли ишларни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган тартибда кўриб чиқади.

67. Иш юритилаётган тилни билмайдиган ёки етарли даражада тушунмайдиган йиғилиш иштирокчиларига бепул таржимон хизмати кўрсатилади.

68. Ҳудудий, туман (шаҳар) комиссиялари иш юзасидан йиғилиш иштирокчиларининг тушунтиришларини тинглаб, ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама кўриб чиққач, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

ушбу Низомнинг 50 ва 51-бандларида назарда тутилган таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш (бунда ҳар бир ҳолатнинг хусусиятидан келиб чиқиб индивидуал ёндашиш ва унга асосан тегишли муддат белгиланади);

ишни тугатиш;

ишни кўришни колдириб, қўшимча текширув ўтказиш;

ишни тергов, суриштирув ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларга топшириш.

69. Комиссия йиғилиши баённомасида йиғилиш бўлган сана ва жой, ишнинг мазмуни, унда иштирок этган шахсларнинг келган-келмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар, улар берган изоҳларнинг қисқача мазмуни, ишга оид бошқа маълумотлар, қўлланилган таъсир кўрсатиш чораси, шунингдек, қабул қилинган қарор юзасидан шикоят бериш тартиби ва муддатларини тушунтириш тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Баённома раислик қилувчи ва комиссиянинг масъул котиби томонидан имзоланади.

70. Худудий, туман (шаҳар) комиссиялари қарорлари ёзма шаклда, далиллар билан асосланган бўлиши лозим.

Таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорда:

комиссиянинг номи, ишни кўриб чиқиш санаси, иши кўриб чиқиладиган шахс тўғрисидаги маълумотлар, ишни кўриб чиқиш чоғида аниқланган ҳолатлар, мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат, иш юзасидан қабул қилинган қарор кўрсатилади.

Қарор раислик қилувчи ва комиссиянинг масъул котиби томонидан имзоланади ва қабул қилингандан кейин эълон қилинади.

Комиссия қарорининг нусхаси уч кун мобайнида йиғилиш иштирокчиларига, зарур ҳолларда, болалар билан ишлайдиган ташкилотларга топширилади ёки почта (электрон почта) орқали юборилади.

Комиссия қабул қилинган қарор тўғрисида вояга етмаган ҳуқуқбузарнинг ишлаб, ўқиб турган жойига ёки яшаш жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, шунингдек, унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар яшаб турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига хабар беради.

71. Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг болани республика ўқув-тарбия муассасасига юбориш тўғрисидаги қарори бажарилишини таъминлаш учун бола ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилиши мумкин, у бу ерда барча зарур ҳужжатлар расмийлаштирилгунгача кўпи билан ўттиз кун сақланади.

Истисно ҳолларда боланинг ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида туриш муддати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўпи билан ўн беш кунга узайтирилиши мумкин.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари бола учун шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини расмийлаштиришни тугаллайди ҳамда туман (шаҳар) комиссияси материаллари

бўйича жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг чиқарилган ажри-ми асосида болани республика ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилади.

72. Туман (шаҳар) комиссияси қарори устидан юқори комиссияга ёки судга шикоят берилиши мумкин.

Туман (шаҳар) комиссияси қарори юзасидан шикоят тегишлилиги бўйича ҳудудий комиссияга у чиқарилган ва қарор нусхаси олинган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида берилиши мумкин.

Ҳудудий комиссиянинг шикоят бўйича қарори ўн беш кун ичида қабул қилиниши керак ва чиқарилган қарор ўзгартирилмайди.

Туман (шаҳар) комиссияси қарори юзасидан судга шикоят бериш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳудудий комиссиянинг қарори ва шикоят бўйича чиқарилган қарор юзасидан прокурор протест билдириши мумкин. Прокурорнинг протест билдириши шу протест кўриб чиқилгунга қадар комиссия қарорининг ва шикоят юзасидан чиқарилган қарорнинг ижросини тўхтатиб туради.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

73. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

74. Ҳудудий ва туман (шаҳар) комиссияларини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 6 июлдаги 363-сон қарорига
З-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларининг 1-банди олтинчи хатбошисидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти, туман (шаҳар) ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика болалар ижтимоий мослашуви марказини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 7 сентябрдаги 419-сон қарорининг 4-банди биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси» сўзлари «Болалар масалалари бўйича миллий комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 31 июлдаги 158-сон қарори билан тасдиқланган Оилавий болалар уйлари тўғрисидаги низомда:

а) 5-банддаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича туманлар ва шаҳарлар идоралараро комиссиясининг (кейинги ўринларда вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия деб аталади)» сўзлари «Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиясининг (кейинги ўринларда — Болалар масалалари бўйича комиссия)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-банднинг биринчи хатбошисидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» сўзлари «Болалар масалалари бўйича комиссияга» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 9-банднинг биринчи хатбошисидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» сўзлари «Болалар масалалари бўйича комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 10 ва 11-бандлардаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг» сўзлари «Болалар масалалари бўйича комиссиянинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги 173-сон қарори билан тасдиқланган Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфлари, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари тўғрисидаги низомда:

а) 10-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар» сўзлари «Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 40-банднинг еттинчи хатбошисидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссияларга» сўзлари «Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссияларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 июлдаги 201-сон қарори билан тасдиқланган Касб-ҳунар коллежининг Васийлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомнинг 5-бандидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» сўзлари «Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиялари» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2016 йил 27 апрелдаги 123-сон қарорида:

а) 1-иловада:

10-банднинг биринчи хатбошисидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби» сўзлари «Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банднинг биринчи хатбошисидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби» сўзлари «Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банд қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти мудири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт

масалалари котибияти билан келишган ҳолда ҳокимнинг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади»;

учинчи — бешинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

14-банддаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котибининг» сўзлари «Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-иловада:

10-банднинг биринчи хатбошисидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби» сўзлари «Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банднинг биринчи ва бешинчи хатбошиларидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби» сўзлари «Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 3-иловада:

10-банднинг биринчи хатбошисидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби» сўзлари «Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банднинг биринчи ва бешинчи хатбошиларидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби» сўзлари «Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 сентябрдаги 767-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари тўғрисидаги низомда:

а) 27⁶-банддаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» сўзлари «Болалар масалалари бўйича комиссияга» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 27⁷-банддаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро Комиссия» сўзлари «Болалар масалалари бўйича комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 824-сон қарори билан тасдиқланган Етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болаларни оилага қабул қилаётган номзодларни (фуқароларни) танлаш, кузатиб бориш ҳамда назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 7-банднинг учинчи хатбошисидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» сўзлари «Болалар масалалари бўйича комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 16-банднинг учинчи хатбошисидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» сўзлари «Болалар масалалари бўйича комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 октябрдаги 880-сон қарори

билан тасдиқланган Республика ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомда:

а) 20-бандда:

биринчи хатбошидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссия» сўзлари «Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссияга» сўзлари «Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссияга» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 21-банднинг тўртинчи хатбошидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» сўзлари «Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиясига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 24-банднинг еттинчи хатбошидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг» сўзлари «Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиясининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 26-банднинг иккинчи хатбошидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» сўзлари «Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 28-банддаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларнинг» сўзлари «Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссияларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 29-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» сўзлари «Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 31-банднинг учинчи хатбошидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» сўзлари «Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиялари» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 34-банднинг учинчи хатбошидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларга» сўзлари «Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссияларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 37-банддаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» сўзлари «Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиясига» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижда ота-онаси қармоғидан маҳрум бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг болаларини Ўзбекистон Республикасига қайтариш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2020 йил 7 январдаги 6-сон қарори 2-банди бешинчи хатбошидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» сўзлари «Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қармоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 21 ноябрдаги 739-сон қарорида:

а) 3-илованинг 63-банди саккизинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида» сўзлари «Халқ таълими вазирлигининг А. Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институтида» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-илованинг 27-бандидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» сўзлари «Болалар масалалари бўйича комиссиялар» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2021 йил 8 февралдаги 60-сон қарорида:

а) 1-иловада:

52-банддаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияни» сўзлари «Болалар масалалари бўйича комиссияни» сўзлари билан алмаштирилсин;

53-банддаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» сўзлари «Болалар масалалари бўйича комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-илованинг 3 ва 4-позицияларидаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» сўзлари «Болалар масалалари бўйича комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

31-банддаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» сўзлари «Болалар масалалари бўйича комиссиялар» сўзлари билан алмаштирилсин;

33-банддаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларга» сўзлари «Болалар масалалари бўйича комиссияларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 3 августдаги 490-сон қарорида:

а) 3-банднинг «в» кичик банди иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича минтақавий идоралараро комиссиянинг» сўзлари «Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссиянинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича минтақавий идоралараро комиссия» сўзлари «Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

10-банднинг олтинчи хатбошисидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссияга» сўзлари «Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссияга» сўзлари билан алмаштирилсин;

24-банддаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро

комиссияни» сўзлари «Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссияни» сўзлари билан алмаштирилсин;

25-банддаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссия» сўзлари «Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин;

38-банднинг саккизинчи хатбошисидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссияга» сўзлари «Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссияга» сўзлари билан алмаштирилсин;

44-банддаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссияга» сўзлари «Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссияга» сўзлари билан алмаштирилсин;

45-банднинг биринчи ва учинчи хатбошиларидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссия» сўзлари «Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин;

49 — 51-бандлардаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» сўзлари «Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг 6-позициясидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияси» сўзлари «Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 638-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари тўғрисидаги низомга 1-иловада:

а) 47-банддаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиянинг» сўзлари «Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссиянинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 51-банддаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссияга» сўзлари «Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссияга» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 54-банддаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссияни» сўзлари «Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссияни» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 55-банддаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиянинг» сўзлари «Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссиянинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 6 июлдаги 363-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2010 йил 26 ноябрдаги 268-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)» 2017 йил 16 июндаги 385-сон қарорига 1-илованинг 2, 6 ва 9-бандлари.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПФ–5065-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПҚ–3024-сон қарори)» 2017 йил 29 августдаги 679-сон қарорига илованинг 14-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида» 2017 йил 9 январдаги ЎРҚ–420 сон Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2896-сон қарори)» 2017 йил 21 декабрдаги 1008-сон қарорига илованинг 2-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ–5538-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ–3931-сон ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Президент мактабларини ташкил

этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4199-сон қарори)» 2019 йил 30 сентябрдаги 822-сон қарорига илованинг 12-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 9 декабрдаги ПҚ-4546-сон қарори)» 2020 йил 7 июлдаги 429-сон қарорига 1-илованинг 8-банди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ**

241 «Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш харажатларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
4 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3034-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сон «Илмий ва инновацион фаолиятни бошқариш тизимини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 4 июндаги 14/6-сон «Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш харажатларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 3034, 2018 йил 5 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.07.2018 й., 10/18/3034/1474-сон,) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. АБДУРАХМОНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 6 июнь,
175-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 4 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
инновацион ривожланиш вазирининг 2022 йил
6 июндаги 175-сон буйруғига
ИЛОВА

«Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш харажатларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. Буйруқнинг номи ва 1-бандидаги «илмий-техника дастурлари» деган сўзлар «илмий дастурлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) номидаги «илмий-техника дастурлари» деган сўзлар «илмий дастурлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом давлат илмий дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш харажатларини тўлаш тартибини белгилайди.»;

в) 1 — 3-бандлар, 4-банднинг биринчи хатбошиси, 5-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошилари, 6-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари, 8, 9, 11 ва 12-бандлардаги «илмий-техника дастурлари» деган сўзлар «илмий дастурлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) илованинг илова белгиси ва номидаги «илмий-техника дастурлари» деган сўзлар «илмий дастурлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

242 Илмий лабораторияларни яратиш ва қўшимча жи-
ҳозлаш бўйича танловларни ўтказиш, шунингдек
зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан
таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандига ўзгар-
тириш киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
4 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3035-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сон «Илмий ва инновацион фаолиятни бошқариш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 4 июндаги 14/4-сон буйруғи (рўйхат рақами 3035, 2018 йил 5 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.07.2018 й., 10/18/3035/1473-сон) билан тасдиқланган Илмий лабораторияларни яратиш ва қўшимча жиҳозлаш бўйича танловларни ўтказиш, шунингдек зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандидаги «давлат илмий-техника дастурларини» деган сўзлар «давлат илмий дастурларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. АБДУРАХМОНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 6 июнь,
176-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 4 июлда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MUDOFAA VAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ VAZIRLIGINING
ҚАРОРИ

243 Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш дастурлари бўйича ўқитиш учун талабаларни саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2984-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ-6065-сон «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 23 мартдаги ПФ-6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги 179-сон «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида («Хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2019 йил 5 сентябрдаги ЎРҚ-564-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сон қарори)»ги, 2021 йил 27 декабрдаги 775-сон «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқишга номзодларни саралаб олиш ва қабул қилиш, курсантларни ўқишдан четлаштириш ва қайта тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 5 декабрдаги 33, 24-2017-сон қарори (рўйхат рақами 2984, 2018 йил 17 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.03.2018 й., 10/18/2984/0913-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш дастурлари

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 8 июлда эълон қилинган.

бўйича ўқитиш учун талабаларни саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мудофаа вазири

Б. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 17 июнь,
20-сон

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

А. ТОШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 14 июнь,
12-2022-сон

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 17 июндаги
20-сон ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2022 йил 14 июндаги
12-2022-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида
резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш
дастурлари бўйича ўқитиш учун талабаларни саралаш
танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 8-бандда:
иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.
2. 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«11. Талабалар томонидан ХТЎБда таълим олиш учун ХТЎБга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
ариза;
рейтинг дафтарчаси нусхаси.».
3. 12-бандда:
учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
тўртинчи — еттинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.
4. 13-банддан «шахсий-руҳий ўрганиш,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 14-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Талабаларнинг ҳарбий хизматга яроқлилигини текшириш бўйича тиббий кўрик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ–4076-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 3147, 2019 йил 3 апрель) мувофиқ февраль-март ойларида ўтказилади.».

6. 15-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. 23-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — еттинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

8. 1-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

9. 3-иловада:

а) 3-банддаги «шахсини тасдиқловчи ҳужжати» деган сўзлар «биометрик паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Талабаларнинг турникда тортилиш машқи тўрт босқичли тизимда қуйидагича баҳоланади:

11 маротаба ва ундан кўп тортилганда — «аъло»;

9-10 маротаба тортилганда — «яхши»;

7-8 маротаба тортилганда — «қониқарли»;

1 — 6 маротаба ёхуд умуман тортила олмаганда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.»;

в) 12-банднинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) эркак талабалар учун:

14,4 сония ичида бажарган тақдирда — «аъло»;

14,5 — 14,8 сонияда бажарган тақдирда — «яхши»;

14,9 — 15,4 сонияда бажарган тақдирда — «қониқарли»;

15,5 сонияда ва ундан кўп вақтда бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.»;

г) 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Эркак талабаларнинг 3000 метрга югуриш машқи тўрт босқичли тизимда қуйидагича баҳоланади:

13,20 дақиқа ичида бажарган тақдирда — «аъло»;

13,20 дақиқадан кўп, бироқ 14,0 дақиқাগача бажарган тақдирда — «яхши»;

14,0 дақиқадан кўп, бироқ 14,30 дақиқাগача бажарган тақдирда — «қониқарли»;

14,30 дақиқадан кўп вақтда бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.»;

д) 16-банддаги «камида битта» деган сўзлар «иккита» деган сўз билан алмаштирилсин.

10. 5-илова матнидаги жадвал мазкур ўзгартиришларнинг иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2022 йил 6 июндаги 175-сон «Давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш харажатларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 4 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3034-1.

2. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2022 йил 6 июндаги 176-сон «Илмий лабораторияларни яратиш ва қўшимча жиҳозлаш бўйича танловларни ўтказиш, шунингдек зарур сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 4 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3035-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 17 июндаги 20-сон ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 14 июндаги 12-2022-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш дастурлари бўйича ўқитиш учун талабаларни саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2984-1.

